ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

ГУЛНОРА ИНОМЖОНОВА

# Никоҳ ва никоҳдан ажралиш

(ФҲДЁ, нотариат, судлов органлари ходимлари учун
амалий қўлланма)

Тошкент – 2018

**Иномжонова Г.С.** Никоҳ ва никоҳданажралиш
(ФҲДЁ, нотариат, судлов органлари ходимлари учун амалий қўлланма)
Т.: ЮМОМ, 2018. – 241 б.

Ушбу илмий-амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази Илмий кенгашининг 2018 йил................даги......-сонли баённома........... қарори билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: Юристлар малакасини ошириш маркази фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.д.,профессор Ш.Файзиев

Муҳаррир: Р.С.Қосимов

Никоҳ баҳсу-мунозаралар билан бўлиниб турувчи узундан узоқ суҳбатдир.

Р. СТИВЕНСОН

Уйланиш ўз ҳуқуқингни икки баравар камайтириб, зиммангга тушадиган мажбуриятни эса икки ҳисса оширишинг демакдир.

А.ШОПЕНГАУЭР

Шунга қатъий имоним комилки, эр-хотин иттифоқи теварак атрофдагиларнинг аралашувидан холи бўлмоғи керак, бинобарин, бу икки кишидан бошқа ҳеч кимнинг иши эмас.

В.Г. БЕЛИНСКИЙ

**М У Н Д А Р И Ж А:**

Кириш

1. Никоҳ тушунчаси, никоҳни тузиш тартиби ва шартлари, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари, тартиби ва унинг оқибатлари.

2. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлиги ва судловлигига оид масалалар.

3. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш. Биринчи босқичида юритиладиган процессуал ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш тартиби.

4. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

5. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорини мазмуни ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг аҳамияти.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

# К И Р И Ш

Кўп йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи қадимдан ота-боболар анъаналарига содиқ бўлган ҳолда ахлоқ принципларига асосланган оилани мустаҳкамлаш, она ва болалар манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ҳар қайси болага бахтли болаликни таъминлаш, кишиларда оила олдида маъсул бўлиш ҳиссини тарбиялаш – никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунчилигининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган.

Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлашга, ёш авлодни жисмоний ва руҳий соғлом қилиб тарбиялашга катта аҳамият берилмокда. Сунгги йилларда қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиш йўли билан амалга оширилган тадбирлар оилаларга, аёлларга, кўп болали ва ёлғиз оталарга, мактаб болалари ва талабаларга давлат томонидан берилган моддий ва маънавий ёрдамлар соғлом авлодни тарбиялаш учун замин тайёрламокда.

Оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан асосий мақсад оиланинг мустаҳкам бўлишидан, оилавий муносабатларни ўзаро мухаббат, ишонч, хурмат ва ҳамжихатлик замирида, барча аъзоларининг маъсуллиги ҳисси асосида кўришдан иборат.

Оила қонунларининг муҳим вазифаларидан ва мақсадларидан бири – фуқароларнинг оила олдидаги ўз маъсулиятларини ҳис қилиш руҳида тарбиялашдан иборат. Бу вазифа ва мақсадни амалга оширишда бошқа фактлар билан бирга эр ва хотин, ота-оналар билан болалар ҳамда бошқа кариндош-уруғлар ўртасидаги қонун билан белгиланган мажбуриятлар ва уларни беками кўз бажариш муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги ҳамма жойда изчил амалга оширилади. Аёллар ўз меҳнатларига эркаклар қатори хақ оладилар. Ижтимоий ҳаётнинг биронта соҳаси йўкки, хотин – қизлар меҳнат қилмаган, маълум фаолият билан шуғулланмаган бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига биноан оилавий муносабатларда хотин билан эр баб-баравар шахсий ва мулкий ҳуқуқларга эгадир. Улар тенг ҳуқуқдан фойдаланиш билан бирга бир баб-баравар мажбуриятларга эгадир. Эр-хотин никоҳга киришдан мустақил фамилия танлайди, уларнинг ҳар бири машғулот тури, касб турини ва яшаш жойи танлашда эркин ва тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар. Ҳатто эр-хотиннинг никоҳга киришида фуқаролик масаласи ҳам қонунга биноан, тенг ҳуқуқликка асосланиб ҳал этилади.

Жамият ва давлатнинг оилага ғамхўрлиги бизнинг ижтимоий сиёсатимизнинг муҳим йўналишига айланган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ оила асосларини мустаҳкамлаш, уни иқтисодий, ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун қатор қонунлар, қарорлар ва Президент Фармонлари қабул қилиниб, оилага бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамиятдаги юксак нуфузи, эътибори ва аҳамияти боис оилага Асосий Қонунимиз – Конституцияда алоҳида боб бағишланган.

Ушбу бобда оиланинг ижтимоий мақоми атрофлича талқин этилади. Конституциямиз асосида оила билан боғлиқОила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари ва 50 дан ортиқ қонун, Президентимизнинг 20 дан ортиқ фармон, қарор ва фармойишлари, ҳукуматнинг 70 дан ортиқ қарор ва фармойишлари қабул қилиниб, бу борада тегишли  мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш, “Соғлом она – соғлом бола” миллий моделини ҳаётга татбиқ этиш, оилада репродуктив саломатликни яхшилаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, балоғат ёшига етмасдан турмуш қуришнинг ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бугунги кунги энг долзарб масалалардир.

Маълумки, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 16-моддасида  “Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ва динига қараб бирон-бир чеклашларсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эга эканликлари, никоҳдан ўтаётганда ҳам, никоҳда бўлган вақтда ҳам ва никоҳ бекор қилинаётганида ҳам уларнинг бир хил ҳуқуқлардан фойдаланишлари, никоҳнинг никоҳдан ўтаётган иккала томоннинг хоҳиши ва батамом розилиги билангина тузилиши мумкинлиги, *ОИЛА* жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси эканлиги ҳамда жамият ва давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эга”лиги халқаро норма сифатида белгиланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий органи – Бош Ассамблеянинг қарори билан 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 май дунё миқёсида “Оила куни” сифатида нишонланиши жаҳон ҳамжамияти томонидан жамиятнинг муҳим негизи ҳисобланган оилага бўлган буюк эҳтиромнинг яна бир ёрқин кўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси парламентнинг 1995 йилнинг 6 майидагиқарори билан қўшилган “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция”нинг 16-моддасида эътироф этилганидек:

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли барча масалаларда камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) никоҳдан ўтишда бир хил ҳуқуқлар;

б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳдан фақат ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан ўтишда тенг ҳуқуқлар;

в) никоҳдан ўтиш ҳамда уни бекор қилиш пайтида бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчлар;

г) болаларга тааллуқли бўлган масалаларда оилавий шароитидан қатъи назар, барча вазиятда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда, эркак ва аёллар ота-она сифатида бир хилдаги бурч ва ҳуқуқларга эга бўлиши;

д) оилада болалар сони, уларнинг туғилиши ўртасидаги ёши масаласига эркин ва маъсулиятли ечим топишда ва бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаб берадиган воситаларга, маълумотларга ва таълим олишга бир хил ёндашиш ҳуқуқига эга бўлиш;

е) болаларни фарзандликка олиш, ваколат бериш, тарбиялаш, васийлик қилиш ёки шунга ўхшаш вазифаларни миллий қонунга асосан амалга оширишда барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда бир хил бурч ва ҳуқуқларга эга бўлиш;

ж) эр ва хотиннинг тенг шахсий ҳуқуқлари, шу жумладан, исми-шарифини, касб ва машғулотни танлаш ҳуқуқи;

з) эр-хотиннинг мол-мулкка бепул ва пуллик эгалик қилиш, сотиб олиш, бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш борасидаги тенг ҳуқуқлари.

2. Болани унаштириб қўйиш ва никоҳлаш юридик кучга эга бўлмайди, никоҳдан ўтишнинг энг қуйи ёшини аниқлаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш мақсадида, барча зарур, шу жумладан, зарур қонунчилик чора-тадбирлари кўрилади.

Оила жамиятнинг таянч нуқтасидир.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонига мувофиқ Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилди.

Дастурга биноан Хотин-қизлар қўмитаси ва “Оила” маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда, ушбу чора-тадбирлар ижросини таъминлаш белгиланди.

Кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мазкур Давлат дастурида белгиланган муҳим йўналишлардан бири сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Хусусан, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган ФҲДЁ органлари тизими фаолиятига доир қуйидаги қоидаларЎзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонининг 11- ва 25-бандларида мустаҳкамлаб қўйилди:

“11-банд.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2018 йил 1 апрелдан ФҲДЁ органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича ФҲДЁ органи, “Оила” марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси зиммасига юклатилсин.

25-банд. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқиб, шу жумладан ФҲДЁ органларининг туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилиши муносабати билан адлия ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколат ва функцияларини чегаралашни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.”

Амалга оширилган кенг кўламли ишлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилнинг 14 сентябрида янги таҳрирда қабул қилинган “**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**”ги қонуни алоҳида ҳам эътиборга моликдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги мавжуд 650 дан ортиқ қонундан фақат ушбу қонун номидагина “давлат сиёсати” деган сўзларни учратамиз. Шунинг ўзидан ҳам мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг даражасини билиб олиш мумкин.

Қонундабиринчи марта “ёш оила” деган тушунчага қонуний таъриф берилган. Тўғри, мазкур тушунчааввал ҳам турли қонуности ҳужжатларида таърифланган, бироқ унинг тушунаси шу вақтгача олий юридик кучга эга бўлган қонун орқали белгиланмаган эди. Қонуннинг 3-моддасида “ёш оила – эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак

(бева аёл)”, - деб белгилаб қўйилган. “Биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар” деган таъриф ишлатилмади.

Қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий ҳимоянинг махсус чора-тадбирларига муҳтож бўлган ёшларга (кам таъминланган ёш оилаларга) доир муносабатларни, қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхоналарни барпо этиш, ўқитиш, қайта ўқитиш ва малака оширишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, уларни ишга жойлаштириш учунташкилотлар томонидан иш жойларининг энг кам миқдорини банд қилиб қўйишда ёрдам бериш йўли билан тартибга солиш имконини беради.

Бинобарин, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлганлар, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ана шунинг ўзидан ҳам аёнки, 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган болаларни тарбиялаш алоҳида эътиборни талаб қилувчи энг долзарб масала бўлиб, уларнинг хулқ-атворини, ўқиши ёки ишини яхши билиш, бўш вақтини кимлар билан ўтказишини ҳар томонлама ўрганиш, тўғри йўлдан адашиб қолиш ҳолатлари юз бериш эҳтимоли сезилиши биланоқ бунинг олдини олиш чораларини кўриш - ҳар бир оила кун тартибидаги биринчи вазифа ҳисобланади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2017 йилни юртимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилишни таклиф этар экан, ўз маърузасида биринчи вазифа - биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-ҳотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бу борадаги фикрлар мамлакатнинг яқин келажакдаги тақдирини белгилаш, барқарор ва мувозанатли ривожланишини таъминлаш, ўз ичига ўрта ва узоқ муддатли мақсад ва вазифалар тизимини мужассам этувчи, истиқболдаги ҳаракатларни режалаштиришга қаратилган ҳужжат – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда бошқа яна бир қатор дастурлар қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегияси узоқ йилларга мўлжаллангани учун уни ҳар йили Давлат дастури қабул қилиш орқали амалга ошириш белгилаб олинди ва 2017 йилдаги вазифаларини рўёбга чиқариш мақсадида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди.

Бинобарин, 2017 йилда амалга оширилган ислоҳотлар замирида Ҳаракатлар стратегияси ижроси юзасидан қабул қилинган Давлат дастури

алоҳида ўрин эгаллади. Унда белгиланган 320 та банддан иборат 437 та тадбирларнинг самарали амалга оширилиши, шу жумладан 29 та қонун ва 900 тадан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилишига эришилди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мавжуд камчиликларни бартараф этиш барча даражадаги раҳбар-ходимлар зиммасидаги муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди. Хусусан, давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг дастурий маърузаларда халқ ичига кириб бориш, оиланинг муаммоларини яқиндан ўрганиш, фуқаролар билан очиқ мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили экани, бироқ биз учун фақат бир йиллик иш бўлиб қолмаслиги лозимлиги алоҳида таъкидланди: “Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки, биз юртимизда янги давлат,янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз”.

Бунда бош мақсад эса халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилишини таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда 2016 йил 21 октябрда қабул қилинган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ижросини таъминлаш борасида бугунги кунда адлия идоралари ва судларнинг фаолияти халқ билан энг кўп мулоқот қиладиган, уларнинг дарду ташвишлари, муаммолари билан тўқнаш келиш билан боғлиқлиги асносида ижтимоий-маиший, оилавий муносабатлар ва меҳнатга оид муносабатлар билан боғлиқ низоларнинг суд орқали ечимини топишга, оилани ҳар томонлама ҳимоялашга, болаларни Ватанга ва оилага садоқат руҳида ижтимоий талабга мос ҳолда тўғри тарбиялашга, фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, никоҳ ва оила муносабатлари борасидаги қонунларни мустаҳкамлашга, фуқароларни оила ва жамият олдида жавобгарлик ҳиссида тарбиялашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик-процессуал кодекси, Оила кодексига киритилган сўнгги янгиликларнинг асосий мазмун-моҳияти, шунингдекфуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда, оналик ва болаликни ҳимоя қилишда салмоқли даражада хизмат кўрсатувчи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадидаЎзбекистон

Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5415-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорига мувофиқ 2018 йилнинг 12 июнь кунида қабул қилинган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3785-сонли қарори айнан мазкур масалаларни ҳал этишда юзага келаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан таҳлил этиш, бу борадаги қонунчилик нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан янги таклифлар беришда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг қабул қилинганига 20 йил тўлди. Оила Кодекси турмушнинг энг муҳим ва кўп қиррали масалаларидан иборат бўлган оилавий ҳаёт масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланганки, у ҳар бир кишининг ҳаёти учун катта ва жиддий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатдир.

Оила давлат ҳимоясига олинган бўлиб, конституцион тамойил ҳисобланади. Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси билан тартибга солинади. Оила ҳуқуқи оилада юксак ахлоқий вазият яратишига эришишга, никоҳланганлар иттифоқини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

## *1. Никоҳ тушунчаси, никоҳни тузиш тартиби ва шартлари, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари, тартиби ва унинг оқибатлари.*

### *1.1 Никоҳ тушунчаси*

Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси 2-қисмида: “Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади” – деб ёзилган. Фикримизча, “томонлар” дейилганда биз кўпроқ Фуқаролик ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқини келтириб чиқарадиган асослардан бири - шартномани тузган шахсларни тушунамиз. Агар унда: “Никоҳ эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлигига асосланади”, деб ёзилса тўғри бўлади, чунки никоҳ мулкий шартнома характеридаги келишиш бўлмай эркак билан аёл ўртасида тузиладиган, бир умрга мўлжалланган шахсий иттифоқ, аҳдномадир. Шундай ифода “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси”да ҳам берилган. Никоҳ орқали шаърий йўл билан жуфт бўлиб яшашнинг бир қанча фойдаси бор.

### *1.2 Никоҳ тузиш тартиби*

Амалдаги оила қонунчилиги никоҳнинг тузилиш тартибига, яъни уни давлатнинг тегишли органлари томонидан расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади. Оила кодексининг 13-моддасига биноан, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шундай никоҳгина ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтиради. Никоҳнинг тегишли давлат органида қайд этилиши унинг вужудга келганлигини исботловчи бирдан-бир далилдир. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳни тегишли давлат органларида расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари»[1], билан тартибга солинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органи ариза қабул қилганида уларни никоҳни қайд этиш тартиби ва шартлари билан таништириши, келгусидаги эр-хотин ва ота-она сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини уларга тушунтириши, бир–бирларининг соғломлик ҳолатларидан ва оила қоидаларидан хабардор эканликларига ишонч ҳосил қилиши керак.

Никоҳга кирувчилар никоҳга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни яширганликлари учун жавобгар бўлишлари ҳақида огоҳлантириладилар. Никоҳни тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини

---

[1] Фукаролик холати далолатномаларини кайд этиш Коидалари. Т., “Адолат”.2016.

қайд этиш органларида, ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Бундай муддатни белгилашдан мақсад бир-бирлари билан яхши таниш бўлмаган шахсларнинг енгилтаклик қилиб, шошмашошарлик билан никоҳдан ўтишларига йўл қўймасликдан иборат. Бир ой муддат ичида никоҳга кирувчилар никоҳ тузишга бўлган ўз хоҳишларини яна текшириш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари, бу муддат давомида никоҳни қайд этишга монелик қиладиган баъзи ҳолатлар ҳам аниқланиши мумкин. Бу даврда ёшларни никоҳга ўтишга тайёрлаш учун махсус маърузалар ташкил этиши лозим. Улар ахлоқий, ҳуқуқий ва тиббий мавзуларда бўлиши, никоҳ тўғрисидаги қонунни, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беришга қаратилиши керак.

Махсус адабиётларда бўлажак эр-хотин сифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билиш энг мақбул муддат деб кўрсатилган[2].

Оила қонунчилигида никоҳдан ўтиш учун ариза бергандан сўнг ўтиш лозим бўлган бир ойлик муддатни зарур ҳолларда қисқартиш ҳуқуқи берилган. Ушбу нормада, шунингдек, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш ҳақидаги қоидаларда қандай ҳолат узрли ҳисобланиб, белгиланган бир ойлик муддатни қисқартириш учун асос бўлиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Бу ҳол амалиётда қуйидаги турларга ҳал қилинишига сабаб бўлмоқда:

- агар никоҳни қайд эттириш учун ариза берганлар узоқ вақт амалда бирга яшаган бўлсалар;
- никоҳни қайд эттириш учун ариза берганларнинг эр-хотинлик муносабатларидан туғилган болалари бўлса ёки хотин ҳомиладор бўлса;
- куёв ёки келиннинг яқин қариндошларидан бири оғир касал бўлса;
- ариза берганлардан бири узоқ муддатга чет элга ёки келиб-кетиш қийин бўлган жойга хизмат сафарига кетаётган бўлса;
- никоҳни қайд эттириш учун ариза берган куёв армия сафига чақирилган ёки никоҳни қайд этиш учун белгиланган муддатни қисқартиришга асос бўладиган бошқа сабаблар узрли сабаб ҳисобланиб, бир ойлик муддатни қисқартиришга асос бўлиши мумкин.

Қандай сабабларни узрли деб ҳисоблаш масаласини ҳал этиш ҳуқуқи қонун бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудирига берилган.

Турмушда эр-хотиннинг узоқ муддат никоҳни қайд этдирмай амалда бирга яшаганлиги, боласи борлиги ёки хотиннинг ҳомиладорлиги узрли сабаб бўлиши мумкин. Чунки кўп вақт бирга турган шахсларни, айниқса, чол-кампирларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари ва оила қуришга

---

[2]Оила психологияси. -Т., "Шарк", 2000. 107-б.

бўлган қарорларини синаш ва текширишнинг ҳеч қандай зарурати йўқ. Ҳуқуқий расмийлаштирилмаган эр-хотинлик муносабатидан ҳомиласи ёки боласи бўлган шахслар никоҳини қайд этишни ҳам кечиктириб бўлмайди. Лекин чет элга ёки бошқа жойга узоқ муддатга хизмат сафарига кетаётганлар, яқин қариндоши касал бўлганлар, армия сафига чақирилганлар никоҳнинг қайд этилиши муддатини қисқартиришни сўраганларида ҳамма вақт ҳам талабни қаноатлантириш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Никоҳни қайд этаётган мансабдор шахс узрли сабаб бўлаоладиган ҳолатларни тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилиши лозим. Жумладан, узоқ муддат эр-хотин бўлиб турганлик факти, бир турар-жой, бир оилада турганликлари ҳақида берилган маълумотлар, умумий болалари борлиги, бу ҳақдаги маълумотнома ва боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (оталиги белгиланган ҳолларда), қариндошларининг касаллиги-яқин қариндошликни тасдиқловчи ҳужжат ва касаллик ҳақида врачларнинг тегишли маълумотномалари, узоқ муддатга чет элга кетиш ва бошқа жойга хизмат сафарига бориш бу ҳақдаги тегишли ҳужжатлар билан исботланиши керак. Ҳарбий хизматга чақирилган шахс армияга кетгунга қадар оила қурадиган бўлсагина никоҳ тузилишига руҳсат бериши мумкин. Агар у армия сафидан қайтиб келгунга қадар куттириши учун никоҳни қайд эттираётган бўлса, у ҳолда никоҳни қайд этиш ман этилади.

Никоҳни қайд этиш муддатини қисқартириш юзасидан талабнома келин ва куёвнинг ҳар иккиси томонидан ариза билан мурожаат этилган ҳолда топширилиши лозим. Аризага муддатни қисқартиришга асос бўладиган ҳужжатлар илова қилиниши керак. Ариза ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мудири муддатни қисқартириш ёки рад этишлик, агар қисқартириш лозим бўлса, неча кунга қисқартиришни аниқ ҳолатга қараб белгилайди. Амалдаги Оила кодексида бир ойлик муддатни қисқартириш ҳуқуқи никоҳ саройи ёки бахт уйи мудирига берилмаган, аммо улар томонидан бу муддатни қисқартириш ҳоллари тажрибада ҳамон тез-тез учраб турмокда.

Никоҳни қайд этиш муддатини узайтириш никоҳланув-чиларнинг биргаликдаги аризаларига биноан кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда етарли асослар бўлган тақдирда, шунингдек, ФҲДЁ органининг ташаббуси билан узайтириши мумкин, лекин бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

Эндиликда, мамлакатимиз мустақил бўлганлиги туфайли унинг фуқаролари чет эл фуқаролари билан никоҳ тузишлари тажрибада тез-тез учраб турганлиги сабабли фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органининг мудирига бу ҳуқуқни берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки айрим вақтларда никоҳ аҳдномасини тузувчилар бу муносабатнинг оқибатини ва маъсулиятини етарлича тасаввур этмай, шошма-шошарлик билан никоҳдан ўтишга ариза беришлари мумкин. Бу муддатни узайтириш туфайли уларда яна бир бор ўйлаб кўриш имконияти пайдо бўлади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига ариза беришнинг ўзигина аризага имзо чеккан шахслар ўртасидаги ҳуқуқий

муносабатлар келиб чиқмайди. Бундай ҳолат фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ва ариза берганлар ўртасида фақат маъмурий-ҳуқуқий муносабатни келтириб чиқаради. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига никоҳга кириш учун ариза берган шахслар ундан воз кечсалар, унда ҳеч қандай оилавий ҳуқуқий оқибат келиб чиқмайди. Маъмурий-ҳуқуқий муносабат эса ўз навбатида тугайди.

Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин. Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунишга кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Никоҳни қайд этиш никоҳланувчи шахслардан бирининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари, биринчи никоҳ эса бахт уйлари, никоҳ саройлари томонидан амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда объектив тегишли асослар бўлганида никоҳни қайд этиш касалхона ёки уйда амалга оширилади.

Никоҳни қайд этиш тантанали вазиятда амалга оширилиши мумкин. У фақат никоҳланувчиларнинг хоҳишлари билангина ўтказилади. Никоҳланувчиларнинг истакларига биноан никоҳ уларнинг қариндош-уруғлари, ошна-оғайнилари, танишлари, жамоат ташкилотлари вакили иштирокида қайд этилади. Никоҳни қайд этиш учун махсус хоналар ажратилади, у лозим даражада жиҳозланади. Никоҳни қайд этишда гувоҳларнинг сони икки кишидан кам бўлмаслиги керак.

Никоҳга киришни хоҳловчилар ариза бериш чоғида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, илгари никоҳда бўлган шахслар эса, аввалги никоҳ тугатилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиши лозим.

Башарти, белгиланган тартиб бузилиб, шунингдек, ғаразли мақсад кўзланган никоҳ тузилса, у вужудга келмаган никоҳ ҳисобланиб, у суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади. У тузилган вақтидан бошлаб никоҳ тузувчиларда ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтирмайди.

Оила кодексининг 217-моддасида никоҳ тузилганлигини қайд этишнинг алоҳида ҳоллари белгиланган. Тергов изоляторларида, озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслар билан тузиладиган никоҳни қайд этиш ушбу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи, фуқаролиги бўлмаган шахслар билан никоҳ тузганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар

ўртасида тузилган никоҳлар, агар республика қонунида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ташкил этилмасдан олдин шариат ва одат қоидаларига мувофиқ тузилган никоҳ рўйхат қилинган никоҳга тенглаштирилган. Эркак ва аёлнинг никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида қайд этилмасдан эр-хотин бўлиб яшаши, улар қанча вақт бирга яшаганликлари ва фарзандлари бор-йўқлигидан қатъи назар низо келиб чиққан ҳолларда оила қонунларида белгиланган эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтирмайди.

Никоҳ давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг ва болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида қайд этилади.

Никоҳ вужудга келганлигини исботлайдиган никоҳни қайд этиш далолатномаси эр ва хотиннинг ҳамда никоҳдан туғилган болаларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини қўриқлашни таъминлайди. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома бола туғилишини қайд этишда, алимент ундирилишида, мерос ва пенсияга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштиришда тақдим этилади.

### *1.3 Никоҳ тузиш шартлари*

Ўзбекистон Республикасида никоҳни унинг ижтимоий моҳияти ва мақсадига кўра ҳамда оилани мустаҳкамлаш эҳтиёжини, ёш авлоднинг ахлоқи ва сиҳат-саломатлигини ҳисобга олиб, бир қатор шартларига риоя қилган ҳолда тузиш зарурлиги белгиланади. Бу талаблар никоҳдан ўтиш шартлари деб юритилади. Улар қўйидагилардан иборат:

- Никоҳ тузиш ихтиёрийдир;
- Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак;
- Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади. (Оила кодексининг 14-моддаси).

Адолатли фуқаролик жамиятида никоҳ эркак билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан биридир.

Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шарти унинг ихтиёрийлик ва тенглик тамойили асосида вужудга келганлигини таъминлаш билан бирга, оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам имконият яратади. Никоҳнинг эркин тузилиши учун берилган розилик чинакам бўлиши, у

қўрқитиш, зўрлаш, алдаш ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир этилган ҳолатда берилган бўлмаслиги лозим.

Тажрибада зўрлаш, қўрқитиш ёки алдаш каби хатти-ҳаракатлар кўпроқ тор ва ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги оқибатидан келиб чиқади. Никоҳга кирувчиларнинг, кўп ҳолларда қизларнинг розилигини олмай, олдиндан фотиҳа қилиш, қалин олиш ҳоллари, ёшларни севмаган кишиларига турмушга чиқишга мажбур қилиб, уларнинг бахтига зомин бўлиш бунинг мисолидир. Бундай хатти-ҳаракатлар кўпинча мулоҳазалари тор, турли хил салбий қарашлар онгида чуқур ўрнашиб қолган шахслар орасида учрайди. Зўрлаш, қўрқитиш, алдаш ким томонидан содир этилган бўлмасин, бари бир, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлади.

Никоҳга киришнинг ўзаро розилик асосида бўлиши шартининг бузилиши унинг ҳақиқий эмас деб топилишигагина эмас, балки ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиб никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўрқитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

Бу жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 136-моддасида қуйидагича белгиланган: "Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш- энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади."

Агар никоҳга кирувчилардан бири никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўла олмайдиган бошқа бирор ҳолатни (масалан, касали ёки олдинги турмушдан боласи борлигини) яширса, бундай ҳолат никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмаса-да, аммо никоҳдан ажратиш вақтида суд томонидан ҳисобга олиниши мумкин.

Никоҳ тузишликнинг навбатдаги шарти-амалдаги қонунда никоҳ ёшининг белгиланиши.

Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат руйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин". (Оила кодексининг 15-моддаси).

Мутахассисларнинг фикрича, мўътадил оналик даври 19 ёшдан бошланади. Биринчи бола она 19-26 ёшга тўлганда туғилса, мақсадга мувофиқдир. Тиббиёт хулосаси шуки, қизлар фақат 18 ёшдан кейин турмушга чиқишлари лозим. Шундагина баркамол онадан соғлом бола туғилади.

Қонунда никоҳ ёшининг эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланиши бу ҳали мукаммал ёш фақат никоҳ тузиш учун бўлган ҳуқуқ. Неча ёшдан никоҳга ўтишликни уларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Никоҳ ҳуқуқий муносабати табиий жараён бўлганлиги учун янги қонун илгари

амалда бўлган никоҳ ёшини, яъни эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёшни сақлаб қолди.

Оила кодексида фақат неча ёшдан бошлаб никоҳга кириш мумкинлиги белгиланган, аммо неча ёшдан бошлаб никоҳ тузиш мумкин эмаслиги белгиланмаган. Шунга кўра, никоҳдан ўтувчиларнинг ёшларидаги, катта фарқ никоҳ тузишга монелик қилмайди. Бизнинг мамлакатимизда никоҳдан ўтувчиларнинг ёшлари ўртасидаги катта фарқ камайиб бораётгани сезилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ никоҳ муносабатида бўлган аёллар бола тарбиялаш ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади, бундай ҳолда улар, гарчи вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) бўлсалар ҳам, қонун бўйича муомала лаёқатига тўлиқ эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига биноан, вояга етгунга қадар турмуш қурган шахс қонуний асосда никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати 18 ёшга тўлмасдан туриб никоҳдан ажралган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топганида вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб муомала лаёқатини тўла йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Амалдаги оила қонунларида белгиланган никоҳ ёшига риоя қилмасдан ғайриқонуний равишда никоҳ муносабатида бўлиш турли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай никоҳ ҳақиқий бўлмаган никоҳ деб топилиб, оила қонунларида белгиланган тегишли шахсий ва мулкий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар:

а) Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолат никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи шарт деб ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида қайд этилган қонуний никоҳда бўлиш никоҳга киришга монелик қилганидек, қонун билан тан олинадиган диний никоҳлар ҳамда 1944 йил 8 июль фармони асосида суд томонидан тан олинган никоҳ муносабатлари ҳам бунга монелик қилади. Шунинг учун кейинги никоҳларни қайд этишда олдинги никоҳдан ажралганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилади.

Республикада ҳар бир фуқаро фақат якка никоҳда бўлиши мумкин. Якка никоҳлик тамойили бизнинг жамиятимизда мавжуд бўлган юксак ахлоқий қоидалардан келиб чиқади. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичдаги никоҳ-оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Бу қоиданинг бузилиши никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан ташқари, қонунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

б) Никоҳ тузишга:

насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек

фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида йўл қўйилмайди.

Оила кодексининг III–бўлими “Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш”-деб номланган (57-64-моддалар). У икки боб, (9-боб “Қариндошлик, қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик”, 10-боб “Болаларнинг насл-насабини белгилаш”), саккиз моддадан иборат. Бу бўлим оила қонунчилигига бутунлай янги бўлим бўлиб кирди. Унинг ўз олдига қўйган мақсади қон-қариндошлик оила ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келишига асос бўлгани учун ҳам қонунчиликда ўз ечимини топиши лозим эди. Бу вазифа ҳам бажарилди. Ундан ташқари никоҳдан ўтишда уни ман этадиган ҳолатларидан бири никоҳ тузувчиларнинг қариндошлигидир. Унга бундай деб ном беришдан мақсад қон-қариндошликка тўғри илмий асосланган тушунча бериш лозим эди, чунки ҳозирга қадар бу масалада чалкашликлар мавжуд. Қонун бўйича кимларни қариндош деб атаймиз ва улар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар қандай вужудга келади, деган масалалар ўз ечимини топди. Эндиликда бу масала бўйича ҳам оила қонунчилигига аниқлик киритилди.

Яқин қон-қариндошлик ўз ичига тўғри туташган, ёнлама, туғишган ва ўгай қариндошлар, ака-укалар билан опа-сингиллар тушунчаларини олади.

Тўғри туташган қариндош бўлиб, бири бошқасидан дунёга келган шахслар, яъни бобо-ота-ўғил-невара-эвара-чевара-дуборалар тушунилади.

Ака-ука ва опа-сингиллар ёнлама қариндош ҳисобланади. Умумий ота-онага эга бўлишлик тўла қариндош, ота бир, она бошқа ёки она бир ота бошқалар ўгай қариндош деб тушунилади.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни қонун йўли билан тақиқлаш ахлоқий ҳамда биологик нуқтаи назарга, тиббиёт фани ютуқлари ва хулосаларига асосланади.

Бошқа қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш қонун билан ман қилинмайди. Шунинг учун ён чизиқ бўйича қариндош бўлган, амакивачча, тоғавачча, ҳолаваччалар, аммаваччалар ва бошқа узоқ қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин. Аммо бу мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қариндошлик никоҳи туфайли одатда жисмоний ва ақлан носоғлом, яъни нимжон, касалманд, ақли заиф, кар-соқов, ортиқ, қўшоқ, пакана ёки нуқсонли, майиб болалар туғилади. Улар ўсишда тенгдошларидан орқада қоладилар. Бундай оилалардан кўпинча юрак, буйрак хасталиги касаллигига йўлиққан бола туғилиши кузатилмокда. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанчалик бегона шахслар билан тузилса, авлод шунча соғлом бўлади.

Амалдаги оила қонунчилигида ака-укалар ва опа-сингиллар фарзандларининг никоҳланиши тақиқланмаган, ваҳоланки, ҳозирги замон генетикаси ютуғи ва хулосаларига кўра, бундай никоҳ номақбулдир. Хўш, генетика нима? Ген-ирсият белгиларини наслдан-наслга ўтказувчи омилдир. Инсон аъзосининг ҳар бир белгисини, кўринишини ва хусусиятларини ген белгилайди. Ана шу генлар, бинобарин, барча хусусиятлар ота-онадан фарзандга ўтади. Бирор геннинг ўзгариши натижасида келиб чиқувчи ва наслдан-наслга ўтувчи касалликлар ирсий касаллик ҳисобланади. Касал ген

келгуси авлодларнинг бирида шу хасталикнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Қон-қариндошлар никоҳидан туғилган болаларда бу хасталик генетик қонуниятлар асосида осонгина юзага чиқади. Бундан кўринадики, қариндош-уруғлар никоҳидан хаста болалар туғилиши кўп бўлади.

Айни чогда қариндошлар ўртасидаги никоҳ аҳолининг географик яшаш шароитига ҳам боғлиқ. Тоғли ва орол жойларда яшовчи, ташқи дунё билан алоқаси бирмунча чекланган ижтимоий гуруҳларнинг барини, шубҳасиз, қон-қариндош дейиш мумкин. Бу ердаги барча аҳоли ўз хоҳишидан қатъиназар, заруратдан келиб чиққан ҳолда, қон-қариндошга айланган. Олиб борилган кузатишлар қон-қариндошлик никоҳининг келгуси авлодга таъсири оқибатларини тасдиқлади. Аввало, бундай никоҳдан туғилган болалар касалликка тез чалинади. Статистика маълумотларига кўра, АҚШда қон-қариндошлар никоҳидан туғилган болаларнинг 22,5 фоизи, қариндош бўлмаганлар никоҳидан туғилган болаларнинг эса 16 фоизи нобуд бўлган.

Қариндошлар ўртасида тузиладиган никоҳ, ҳатто, фарзандсизликка ҳам олиб келмоқда. Булар ҳаммаси тиббиёт фанининг асосли хулосаларидир.

Умуман, қариндош-уруғлар никоҳи келгуси авлодлар саломатлигига путур етказиши шубҳасиздир.

Агар никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолларга тўла риоя қилиниб, оила қурилса, у мустаҳкам бўлади, келажак авлод баркамоллигига, қолаверса, келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг соғломлигини таъминлашга катта ҳисса қўшилади.

Фарзандликка олиш муносабатлари ҳам тўғри туташган қариндошликка тенглаштирилади. Оила кодексининг 16-модда-сига биноан фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ҳамда уларнинг авлодлари бир-бирлари билан никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга эмаслар. Чунки фарзандликка олувчи шахс ота-онанинг ўрнини босади, агар улар ўртасида бошқача туйғу ва муносабат бўлса, у фарзандликка олиш ва ахлоқ табиатига зид бўлиб чиқади.

Маълумки, ҳар хил оилаларда, ҳар-хил миллат вакил-ларидан туғилган турли жинсдаги бир қанча болалар фарзандликка олиниши мумкин. Улар бир оилада ака-ука ёки опа-сингил бўлиб ўсадилар. Аммо балогатга етганларидан сўнг ўзаро никоҳдан ўтишлари мумкинми ёки йўқми, деган савол туғилади. Бу масалага амалдаги қонун тегишли жавоб бермайди, чунки улар ўртасида қон-қариндошлик муносабати йўқ. Шунинг учун улар никоҳдан ўтишлари мумкин. Ҳаётда бундай мисоллар талайгина. Кўпгина болларни ўз бағрига олиб тарбиялаган оилалар бор. Жумладан, рус, ўзбек, қозоқ, қирғиз, яхудий, татар, малдаван ва бошқа миллатларнинг 15 боласини ўз бағрига олиб, уларнинг бир-бирига дўст, меҳрибон, ака-укадек қилиб ўстирган оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акромованинг оиласини келтириш мумкин. Улар оилада ака-ука, опа-сингилдек ўсдилар. Кейинчалик уларнинг айримлари никоҳ тузиб, оила ҳам қурдилар. Бу ахлоқий нуқтаий назардан мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, агар мободо оила бузулиб қолса, катта бир оилага зарар келтиради. Биологик нуқтаи назардан уларнинг никоҳга ўтишлари наслга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Аммо

бир хил ижтимоий маънавий шароитда ака-ука ва опа-сингил бўлиб ўсганлар, бинобарин, уларнинг ўзаро никоҳдан ўтишлари ахлоқ ва тарбия нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун меъёрий ҳужжатларда тегишли қоидаларни белгилаб, фарзандликка олинганларнинг ўзаро никоҳдан ўтишлари тақиқланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

в) Лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди (Оила кодексининг 16-моддаси). Чунки бундай шахслар ўз ҳаракатларининг оқибатига тўла жавоб бера олмайдилар ва никоҳ тузишга онгли равишда ўз хоҳишларини изҳор эта олмайдилар. Бу қоида никоҳланувчиларнинг ихтиёрий ва ўз хоҳишига кўра никоҳ тузиш тамойилидан келиб чиқади. Амалдаги қонунчиликда бундай тартибнинг белгиланиши келажак авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида давлат ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Шахсни руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ариза топширгандан сўнг, никоҳни қайд этиш муддатигача юз берган бўлса ҳам, никоҳга ўтишга монелик қилади.

Агар никоҳ қайд этилгандан сўнг эр-хотиндан бири белгиланган тартибда муоамалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилмайди. Аммо бу ҳолат никоҳни маъмурий тартибда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида никоҳдан ажралиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 230-моддасига биноан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига атайин ёлғон маълумотлар бериш ёки тегишли органларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган фуқаролик ҳолати далолатномалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик - фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

г) Оила кодексига янгилик сифатида: “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш” (17-модда) қоидаси кириб келди. Унда эътироф этилишича, “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслахат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳланувчи шахсни кўрикдан ўтказиш натижалари шифокор сири ҳисобланади ва у никоҳланувчи шахсга фақат кўрикдан ўтган шахснинг розилиги билан билдириши мумкин”.

Ушбу қоидани кафолатлайдиган қоида модданинг учинчи қисмида берилган. Унга кўра, ”башарти, никоҳланувчи шахслардан бири таносил кассаллиги ёки одам иммунитети тақчиллиги вируси (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир”.

### *1.4 Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари*

Никоҳни қайд этишга ҳуқуқи бўлган ҳар бир давлат органи, туман ҳокимияти бўлими, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи, никоҳ саройлари, бахт уйлари, қишлоқ (овул) ва посёлка кенгашининг ижроия ҳокимиятида қайд этилган ҳар бир никоҳ қонуний тузилган никоҳ ҳисобланади.

Оила кодексида белгиланган шартларнинг бузилиши суд томонидан ушбу никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлиши мумкин.

Оила кодексининг 14-16-моддалари ҳамда 17-моддасининг учинчи қисмида белгиланган шартлар бузилган тақдирда, шунингдек сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Оила кодексида никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ҳақида мукаммал тушунча берилган. Қуйидаги ҳолларда қайд этилган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади:

- никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги бузилиши;
- никоҳ ёшига қўйилган шартга риоя қилмаслик;
- якка никоҳлилик тамойилининг бузилиши;
- никоҳ насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилган бўлса;
- муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳ;
- никоҳга ўтиш вақтида оила қуриш мақсадининг сохталиги;
- фарзандликка олган билан фарзандликка олинган шахслар ўртасида тузилган никоҳ;
- никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки орттирилган иммунитет тақчиллиги синдроми (ОИТС) ёки (ВИЧ инфекция) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб этишга ҳақлидир.

Айрим ҳолатларда оила қонунларининг бир қанча шартларини бузиб ҳам тузилиши мумкин, бундай ҳолларда у ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, фуқаро олдинги никоҳдан ажрашмасдан туриб, вояга етмаган шахс билан никоҳдан ўтган ҳоллар фикримизнинг далилидир.

### *1.5 Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тартиби ва унинг оқибатлари.*

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд тартибида амалга оширилади. Бундай муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди.

Амалдаги қонунлар ҳар бир ишнинг аниқ мазмуни ва бузилган шарт, монелик қиладиган ҳолларнинг характерига қараб даъво қилиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгилайди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони шахсий ёки жамоат манфаати бўлган шахс қилиши мумкин. Улар доирасига никоҳ тузилиши туфайли ҳуқуқи бузилган эр ёки хотин, никоҳланувчиларнинг ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурор киради.

Келтирилган асосларга кўра ҳақиқий саналмаган ҳар бир никоҳда аниқ ҳолатда бу тўғрида даъво қилувчи шахслар доираси белгиланади.

Никоҳ тузиш туфайли ўзаро розилик шартининг бузилиши натижасида мажбур этилган аёлнинг шахсий манфаати бузилади. Шунинг учун мажбурлаш кимга нисбатан қўлланилган бўлса, бу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин. Аммо, ушбу ҳолатда жамоат манфаати бузилганлиги учун даъво прокурор томонидаги ҳам қилиниши мумкин. Никоҳ тузган аёл никоҳ ёшига етган бўлса, унинг ўзи, ота-онаси ёки васий (ҳомий) ва прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин.

Соҳта никоҳ тузилганда, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида прокурор ёки эр-хотиндан бири даъво қилиши, оила қуришни мақсад қилмай никоҳга ўтилган ҳолатда эса алданган томон никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин.

Руҳий касал ёки ақли заиф шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони муомалага лаёқатсиз шахснинг ота-онаси, васийлик ва ҳомийлик органи ёки прокурор қилиши мумкин. Чунки уларга муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган.

Амалдаги қонунларга асосан, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар васийлик ва ҳомийлик органининг иштирокида кўрилади.

Фарзандликка олинганларнинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилишга йўл қўйилади.

Оила кодексининг 155-моддасига биноан ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади.

Фарзандликка олиш учун боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аниқланади.

Фарзандликка олиш ҳақиқий эмас деб топилганда ёки фарзандликка олиш бекор қилинганда, бола суднинг ҳал қилув қарори билан ота-онасига олиб берилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича кўриладиган иш никоҳдан ажралишдан ишнинг кўрилиши тартиби бўйича ҳам фарқ қилади.

Юқорида айтилганидек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ҳал қилинса, никоҳдан ажралиш эса суд ва маъмурий тартибда ҳам ҳал қилинади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида эр-хотинларнинг ўзлари (ёки улардан бирортаси), шунингдек бундан манфатдор бўлган шахслар бир қатор асосларга кўра (биринчи никоҳдаги эр-хотиндан биттаси ёки унинг номидан прокурор ва васийлик органи) даъво қилиши мумкин.

Бу белги билан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш никоҳдан ажралишдан фарқ қилади, чунки никоҳдан ажралиш ҳақида иш фақат эр-хотинларнинг ёки улардан бирининг ташаббуси билан қўзғатилади. Бундан ташқари никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш эр-хотиннинг тириклик вақтида ҳамда (никоҳдан ажралишдан фарқ қилиб) уларнинг ўлимидан сўнг (айниқса, агар даъвонинг мақсади мерос ёки пенсия олиш бўлса) йўл қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига юборилади.

Никоҳни тузишдаги амалдаги оила қонунчилигида белгиланган шартлар бузилган ва монелик қиладиган ҳолатларга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ажралиш йўли билан тугатилгандан кейин ҳам ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Чунки ҳақиқий бўлмаган никоҳ оқибатлари ажралиш йўли билан тугатилган никоҳ оқибатларидан бир қатор масалаларда фарқ қилади. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда унинг кучи тугалланади, деб айтиш тўғри бўлмайди. Бу ибора давлат томонидан тан олинган ҳуқуқ билан тартибга солинган никоҳ иттифоқига нисбатан ўринлидир. Ҳақиқий бўлмаган никоҳ қонунни бузиб тузилган никоҳ ҳисобланиб, унинг натижасида бир қатор ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Амалдаги қонунлар никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг аниқ ҳуқуқий оқибатларини белгилайди.

Оила кодексининг 55-моддасига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш оқибати шахсий ва мулкий ҳуқуқлардан иборат бўлади.

Инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтда танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Шундай қилиб, вужудга келган баъзи бир мулкий муносабатлар эр ёки хотиндан бири инсофли бўлганда у тўла бекор қилинмай, фақат ўзининг икки тарафлама мажбур этувчи характерини йўқотади. Улар инсофли эр ёки хотиннинг ҳуқуқи бўлиб қолиб, айбдорда эса мажбурият бўлиб қолади.

Оила кодекси 56-моддасининг 3-бандига биноан никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин уч юз кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Ҳақиқий бўлмаган никоҳнинг вужудга келмаган никоҳдан фарқини билмоқ лозим.

Никоҳ тузиш учун белгиланган тартиб бузилиб, никоҳ қайд этилса, бундай никоҳ вужудга келмаган никоҳ ҳисобланади ҳамда унинг вужудга келмаганлиги ва ҳақиқий эмаслиги суд томонидан белгиланади. Ариза берилгандан сўнг бир ойлик муддатга риоя қилмаслик, никоҳни расмийлаш-тириш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан никоҳни расмийлаштириш ва бошқалар. У тузилган вақтидан бошлаб никоҳ тузув-чиларда ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Масалан, никоҳ тузувчи эр-хотиндан биттасининг иштирокисиз, ариза бергандан сўнг бир ойлик муддатга риоя қилмаслик, никоҳни расмийлаштиришга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан никоҳни қайд этиш ва бошқалар.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш масаласида амалиётдан қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

### Ҳ А Л  Қ И Л У В  Қ А Р О Р И
### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2009 йил февраль ойининг 12 кунида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суди ўз биносида очиқ суд мажлисида

Раислик этувчи: судья Г.А.Парпиева

Г.Бердимуратова ва Н.Абдуразакованинт котибалигида, М.Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси Г.Исраилова, адвокат А.Алланазаров иштирокида, даъвогар Абдусаттаров Кахар Гафаровичнинг жавобгар Ахмеджанова Мухаббат Мухтаровнага нисбатан **никохни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси** юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар К.Абдусаттаров жавобгар М.Ахмеджановага нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, суд мажлисида даъво талабларини қувватлаб, 1977 йил 22 сентябрда Абидова Миновар Алимжановна билан Қирғизистон Республикаси Ош шаҳар ФХДЁ бўлимида қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини ва бу хақда И-ГС №252165 сонли никоҳ гувохиомаси берилганлигини, 1998 йилда Тошкент шаҳрига келганида Тошкентда ҳамшаҳар ва синфдоши бўлмиш жавобгар М.Ахмеджановани учратиб қолганлигини, М.Ахмеджанова Тошкент шаҳрида Чилонзор туманида паспортистка бўлиб ишлашлигини айтганлигини, шундан ўзаро суҳбатда Тошкент шаҳридан доимий рўйхатдан ўтмоқчи

эканлигини айтганлигини, М.Ахмеджанова унга бу масалада ёрдам бериши мумкинлигини маълум қилиб, улар никоҳдан ўтишлари лозимлигини айтганлигини, у Тошкент шаҳридан доимий рўйхатдан ўтиши лозим бўлганлиги сабабли М.Ахмеджанованинг таклифига рози бўлганлигини ва 1999 йил 17 февраль куни М.Ахмеджанова билан М.Улуғбек туман ФХДЁ бўлимидан никоҳдан ўтишганлигини, шундан сўнг М.Ахмеджанова билан М.Улуғбек тумани, Қорасу-1 даҳаси, 42-уй, 22-хонадонда 2005 йилнинг тахминан сентябр ойларига қадар биргаликда яшаб келиб, ўзаро муносабатлари ёмонлашганлиги сабабли уни уйидан чиқиб кетиб биргаликда яшамасдан қўйишганлигини, ҳозирда эса жавобгар билан ўрталарида ноқонуний равишда расмийлаштирилган никоҳларини ҳақиқий эмас деб топиб, доимий яшаш учун ўз юртига, яъни Қирғизистон Республикаси Ош шаҳрига кетмоқчи эканлигини, чунки Ошда уни қонуний никоҳли хотини ва тўрт нафар фарзандлари борлигини баён қилиб, жавобгар билан ўрталарида 1999 йил 17 февралда Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ФҲДЁ бўлими томонидан қайд этилган никоҳларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўради.

Жавобгар М.Ахмеджанова ишни судда кўриш вақти ва жойи тўғрисида бир неча маротаба тегишли тартибда хабардор қилинган бўлишига қарамасдан, номаълум сабабларга кўра суд мажлисларига келмади. Шу сабабли суд, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 174-моддасига асосан фуқаролик ишини жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ФХДЁ бўлимининг вакили Н.Тургунова даъво аризани тан олмасдан, 1999 йил 17 февралда Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлими томонидан фуқаролар К.Абдусаттаров ва М.Ахмеджанова ўрталарида никох қайд этилганлигини, даъвогар ўзи никоҳда бўлмаганлигини, жавобгар эса ажрашганлигини кўрсатиб ўтганлигини баён этиб, кейинги суд мажлисларини унинг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган. Шу сабабли суд фуқаролик ишини унинг иштирокисиз ФПК 174-моддасига асосан кўриб чиқишни лозим топади.

Суд томонидан М.А.Абидова манфаатдор шахс сифатида жалб қилинган бўлиб, иш ҳужжатларида унинг нотариал тасдиқланган ёзма аризаси мавжуд бўлиб, аризада ҳақиқатдан ҳам К.Абдусаттаров билан 22.09.1977 йилда Қирғизистон Республикаси Ош шаҳар ФХДЁ бўлимида қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган бўлиб, биргаликдаги турмушларидан тўрт нафар фарзандлари борлигини, турмуш ўртоғи билан биргаликда яшаб фарзандларини тарбиялаб келишаётганликларини, турмуш ўртоғини М.Ахмеджанова билан қонуний никохдан ўтганлигини ёки турмуш қурганлиги ҳақида умуман хабари бўлмаганлигини, шунга кўра даъво талабларнни қаноатлантириб, турмуш ўртоғи билан М.Ахмеджанова ўрталарида тузилган никоҳни бекор қилишни сўраган.

Суд тарафларнинг кўргазмаларини тинглаб, фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, уларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, М.Улуғбек туман прокурори ёрдамчиси Д.Исраилованинг даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилиши лозим деган фикрини тинглаб, қуйидагиларга асосан даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилиши лозим деган хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддаси 2-бандига асосан лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида никох тузилишига йўл қўйилмайди.

Суд муҳокамаси давомида аниқланишича, даъвогар К.Абдусаттаров 1977 йил 22 сентябрда Абидова Миновар Алимжановна билан қонуний никохдан ўтиб турмуш курган бўлиб, улар ўртасидаги никоҳлари Қирғизистон Республикаси Ош шаҳар ФХДЁ бўлими томонидан далолатнома ёзуви №1340 сон билан қайд қилинган ва бу ҳақда П-ГС №252165 сонли никох гувохномаси берилган.

Даъвогар 1998 йилда Тошкент шаҳрига келиб жавобгар билан учрашувда уни Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИБ ХЧК ва ФРБда ишлашлигини билиб, ундан ўзини Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтишида ёрдам беришни сўраган. Шунга кўра, жавобгар М.Ахмеджанова даъвогарни паспортини алмаштириб, у билан 1999 йил 17 февралда Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман ФХДЁ бўлимида никохдан ўтган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 2008 йил 4 август кунги ҳукмига асосан, даъвогар К.Абдусаттаров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223- моддаси 1-қисми, "227-моддаси 2-қисми «а» банди, 228-моддаси 2-қисми «б» банди ва 228- моддаси 3-қисми билан, яъни, белгиланган тартибни бузиб Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш, паспортни эгаллаш, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян хуқуқ берадиган расмий ҳужжат тайёрлаш ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришда ифодаланган ва хужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланганликда айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59-моддасига асосан унга жарима жазоси тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддаси 1-бандига асосан ушбу Кодекснинг 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Шунга кўра, суд, даъвогар томонидан сохта ҳужжат, яъни паспорт тайёрланиб, ушбу паспорт асосида жавобгар билан 1999 йил 17 февралда М.Улуғбек туман ФХДЁ бўлимидан никоҳдан ўтганлиги, шунингдек, жавобгар билан никоҳдан ўтган даврда 22.09.1977 йилда Қирғизистон Республикаси Ош шаҳар ФХДЁ бўлими томонидан расмийлаштирилган М.Абидова билан ўрталаридаги никох бекор қилинмаган бўлганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабларини асосли деб ҳисоблайди ва даъво талабларини қаноатлантиришни мақсадга мувофиқ деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Оила

кодексининг 16, 49-моддалари, ФПКнинг 174, 203, 206-моддаларига асосан, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Абдусаттаров Кахар Гафаровичнинг жавобгар Ахмеджанова Мухаббат Мухтаровнага нисбатан никохни ҳақикий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Абдусаттаров Кахар Гафарович ва Ахмеджанова Мухаббат Мухтаровна ўрталарида 1999 йил 17 февралда Тошкент шахар М.Улуғбек туман ФХДЁ бўлими томонидан расмийлаштирилган ва №86-сонли далолатнома ёзувига билан қайд этилган никох ҳақиқий эмас деб топилсин.

Ҳал қилув кароридан норози томон 20 кун муддат ичида мазкур суд орқали фукаролик ишлари бўйича Тошкент шахар судига аппелция шикояти ёки протест келтириши мумкин.

СИРТҚИ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2008 йил сентябрь ойининг 09 куни Фукаролик ишлари буйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суди ўз биносида қуйидаги таркибда:

Раислик этувчи: Гуламова М.З.ЗупароваС.нинг котибалигида

Даъвогар Турдмева Нодира Абдухакимовнанинг жавобгар Ахмедов Умиджон Шовкатовичга нисбатан **никохни ҳақиқий эмас деб топиш** ҳақидаги 1-6237/08 фуқаролик иши кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Турдиева Н.А. судга жавобгар Ахмедов У.Ш.га нисбатан никохни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат этиб, унда жавобгар билан 07.06.2008 йилда ота-оналарининг қистови ва таъсири билан қонуний никоҳни расмийлаштирганлигини, жавобгар ташқи юриш- туришлари, ҳулқ-атворлари, маънавиятлари бир-бирларига зид эканлигини, бир-бирларига кўнгиллари йўқлигини, биргаликда турмуш қуришга хоҳиш-истаклари йўқлиги сабабли белгиланган тўй тантанаси бекор қилиниб, никоҳ фотиҳаси қайтарилганлигини, тўй маросимлари ўзи бўлмаганлигини, эр-хотинлик муносабатларида бўлмаганлигини билдириб, жавобгар билан ўрталарида расмийштирилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топшини сўраган.

Суд мажлисида даъвогарнинг ишончли вакили Манапова Л.О. даъво аризаси талабларини тўлиқ қувватлаб, ундаги важларни келтириб, даъво аризаси талабларини қаноатлантиришни сўраган.

Жавобгар ишончли вакили Нартажиева Л.Г. суд мажлисида даъво аризаси талабларини тан олиб, ҳақиқатан ҳам томонлар 07.06.2008 йилда ота- оналарининг қистовлари билан қонуний никоҳ расмийлаштирганликларини, ўзаро турмуш қуриш ниятлари бўлмаганлиги, никоҳдан ўтгач бир оила бўлиб яшамаганликларини, умумий рўзғор юритмаганликларини, эр-хотинлик муносабатларида бўлманганликларини, келинлик сеплари олиб келинмаганлигини, тўймаросимлари колдирилиб, фотиҳа қайтарилганлигини билдириб, томонлар ўртасидаги никоҳни ҳакикий эмас деб топишни сўради.

Учинчи шахс сифатида жалб этилган Мирзо Уғбек тумани ФХДЁ бўлими суд мажлиси ҳақида тегишли равишда огоҳлантирилган бўлсада ҳозир бўлмаган, шу сабабли суд ушбу фуқаролик ишини унинг иштирокисиз ЎзР ФПК нинг 224-моддасига асосан кўриб чиқишни лозим топади.

Суд томонларнинг ишончли вакили баёнотларини тинглаб қуйидаги хулосага келади.

Аниқланишича томонлар 2008 йил июнь ойининг 7 кунида №434-сонли далолатнома ёзуви билан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ФХДЁ бўлимида қонуний никоҳдан ўтганлар, бунда ҳеч қандай тўй маросимлари, урф-одатлари бўлмаган, белгиланган тўй оқшоми бекор қилинган, томонлар эр-хотинлик муносабатларда бўлмаганлар, никоҳни ота-оналарининг қистови билан мажбуран расмийлаштирганлар, келинлик мол-мулклари даьвогарнинг уйига олиб борилмаган.

Бундай ҳолатларда суд қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги хулосага келади:

ЎзР Оила кодексининг 49-моддасига асосан эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Юқоридагиларга кўра томонлар оила қуриш мақсадини кўзламай қонуний никоҳдан ўтганлар, бунда ҳеч қандай тўй маросимлари бўлмаган.

ЎзР Оила кодексининг 55-моддасига асосан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Иш ҳужжатларга, далилларга асосланиб, томонлар бошиданоқ оила куриш максадини кўзламай, ота-оналарининг қистови билан турмуш қурганликларини, эр-хотинлик муносабатларида бўлмаганликларини, бир оила сифатида умумий рўзғор юритмаганликларини инобатга олиб даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ЎзР Оила Кодексининг 49-55 моддаларига асосланиб, ЎзР ФПКнинг 224, 203-206 моддаларини қўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ

Даъвогар Турдиева Нодира Абдухакимовнанинг даъво талаблари қаноатлантирилсин.

Ахмедов Умиджон Шовкатович ва Турдиева Нодира Абдухакимовналарни ўрталарида 07 июнь 2008 йилда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ФХДЁ бўлимида 434-сон далолатнома ёзуви билан қайд этилган никоҳлари ҳақиқий эмас деб топилсин.

Даъвогар Турдиева Н.А. қизлик фамилияси «Турдиева»да қолдирилсин.

Мазкур судга жавобгар ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин 15 кун муддат ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли.

Қарордан норози томонлар 20 кун муддат ичида ушбу туман суди орқали Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция шикояти беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи И.М.Ғуломова

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шахар Мирзо Улуғбек туманлараро суди 2008 йил сентябрь ойининг 09 куни суд биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда

Судья: Х.Х. Атахановнинг раислигида Н. Бабатаеванинг котибалигида, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман прокурори катта ёрдамчиси Г.И.Исроилованинг иштирокида дъвогар Ашрапова Дилфуза Хикматуллаевнанинг жавобгар Мирхамидов Шохрухмирзо Фаруховичга нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан 1-5518/08-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, суд

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Ашрапова Дилфуза Хикматуллаевна судга жавобгар Мирхамидов Шохрухмирзо Фаруховичга нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъвоариза билан

мурожаат этган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган даъвогар Ашрапова Д.Х. ўз даъво талабини тўлиқ қувватлаб, 2008 йилнинг 15 апрель куни жавобгар Мирхамидов Ш.Ф. билан қонуний никоҳдан ўтганликларини ва тўйлари бир ойдан сўнг 2008 йилнинг 15 май кунига белгиланганлигини, аммо уларнинг тўйлари тўхтатилганлигини, сабаби унинг ота-онаси томонидан тўйга совға сифатида қилинган мебель тўпламлари жавобгарнинг ота-онасига ёқмаганлигини ва ўртада низо чиқиб, келишмовчиликлар бўлиб ўтганлигини ва тўйлари тўхтатилганлигини, у жавобгар билан эр-хотин сифатида бир кун ҳам яшамаганлигини баён этиб, жавобгар билан ўрталарида тузилган қонуний никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган даъвогар Ашрапова Д.Х.нинг ишончли вакили Ашрапова О.С. даъвони тўлиқ қувватлаб, даъвогарнинг судда берган барча кўрсатмаларини тўлиқ тасдиқлаб, даъвони қаноатлантиришликни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жавобгар Мирхамидов Ш.Ф. даъвони тўлиқ тан олиб, ҳақиқатдан ҳам ота-онаси даъвогарнинг уйига совчи бўлиб борганликларини ва шунда у даъвогар билан танишганлигини, уларнинг тўй кунлари 2008 йил 15 май кунига белгиланганлигини, аммо тўйларидан бир ой аввал 2008 йилнинг 15 апрель куни қонуний никоҳдан ўтганликларини, аммо тўйлари бўлмасидан аввал ўрталарида низо келиб чиқиб, муросалари умуман бир-бирлари тўғри келмаганлигини, у даъвогар билан эр-хотин сифатида бир кун ҳам яшамаганлигини баён этиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жавобгар Мирхамидов Ш.Ф.нинг ишончли вакили Мирхамидова Д.А. даъвони тўлиқ тан олиб, жавобгарнинг судда берган барча кўрсатмаларини тўлиқ тасдиқлаб, даъвони қаноатлантиришликни сўради.

Суд мажлисида қўшимча жавобгар тариқасида сўроқ қилинган Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ФХДЁ бўлими вакили Исмаилова С.С. даъво аризани тан олмай, ҳақиқатдан ҳам тарафлар уларга оила қуриш мақсадида ариза билан мурожаат этганликларини ва ўз хоҳишлари билан гувоҳларнинг иштирокида имзо чекиб, никоҳлари расмийлаштирилганлигини баён этиб, даъвони рад этишни ва келгуси суд мажлисларини унинг иштирокисиз кўриб ҳал этишни сўради. Суд ЎзР ФПКнинг 174-моддаси талабларидан келиб чиқиб, мазкур фуқаролик ишини ФХДЁ бўлими вакили Исмаилова С.С.нинг иштирокисиз кўриб ҳал этишни лозим деб топади.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Файзиев Ф.Ф. судга қуйидагича кўрсатма берди, яъни у даъвогарни қўшни сифатида ёшлигидан буён танишини, жавобгарни умуман

танимаслигини, ҳақиқатдан ҳам даъвогарнинг тўй кунибелгиланганлигини ва ҳамма нарса тахт бўлганида тўйи бўлмаганлигини баён этиб ўтган.

Суд мажлисида гувох тарикасида сўрок килинган Қодирова Д.Г. судга куйидагича кўрсатма берди, яъни у тарафларни яхши танишини, жавобгар Мирхамидов Ш.Ф. уни жияни эканлигини, ҳақиқатдан хам уларнинг тўйлари 2008 йилнинг 15 май кунига белгиланиб, аммо тарафларнинг муросалари бир-бирларига тўғри келмаганлиги натижасида тўй тўхтатилганлигини, тарафлар бир-бирлари билан бир кун хам яшамаганликларини баён этиб ўган.

Суд тарафлар баёнотларини тинглаб, гувохлар кўрсатмаларини эшитиб, прокурор катта ёрдамчиси музокара фикрини тинглаб, такдим килинган иш хужжатларини атрофлича тахлил килиб ва ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосага келади.

Аниқланган ҳолатларга кўра, дъвогар Ашрапова Дилфуза Хикматуллаевна билан жавобгар Мирхамидов Шохрухмирзо Фаруховичлар Тошкент шахар Мирзо Улугбек туман ФХДЕ бўлимида 2008 йилнинг 15 апрел куни конуний никохдан ўтганлар.

Даъвогар Ашрапова Д.Х. билан Мирхамидов Ш.Ф.ларнинг қонуний никохлари тўйларидан бир ой аввал расмийлаштирилган бўлиб, тарафларнинг никох тўйлари 2008 йилнинг 15 май кунига белгиланган. Бирок, тарафларнинг ўрталарида бўлиб ўтган келишмовчиликлар ва муросалари бир-бирлари тўғри келмаганлиги сабабли, тўлари тўхтатилган. Тарафлар бир-бирлари билан бир кун хам эр-хотин сифатида яшамаганлар. Ушбу фактларни суд мажлисида сўрок килинган гувохлар хам ўз кўрсатмаларида тўлик тасдиклаб ўтганлар.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 54-моддасида «Эр-хотин сохта никох кайд килдирган ва оила кўрмаган бўлсалар, никох хакикий эмас деб топилиши мумкин» дейилган. Суд ушбу конун талаблари асосида фукаролик ишига хукукий бахо берар экан, Ашрапова Д.Х. билан жавобгар Мирхамидов Ш.Ф.лар бир-бирлари билан эр-хотин сифатида бир кун хам яшамаганликларини ва оила кўрмаганликларини инобатга олиб, уларнинг ўрталарида Тошкент шахар Мирзо Улугбек туман ФХДЁ бўлимида 2008 йилнинг 15 апрел куни расмийлаштирилган никохни хакикий эмас деган хулосага келади.

Суд юкорида баён этилган холатларни инобатга олиб хамда конун талабларидан келиб чикиб, дъвогар Ашрапова Дилфуза Хикматуллаевнанинг жавобгар Мирхамидов Шохрухмирзо Фаруховичга нисбатан никохни хакикий эмас деб топиш хакидаги даъво талабини асосли деб топган холда даъвони каноатлантиришни лозим деб топди.

Юкоридагиларга кўра хмда ЎзР ОКнниг 54, 55-моддаларига

асосланиб, ЎзР ФПКнинг 203-206-моддаларини қўллаб, суд

К А Р О Р К И Л А Д И

Раислик этувчи Х.Х.Атаханов

***2. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлиги ва судловлигига оид масалалар.***

**Тааллуқлилик** деганда, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифасини қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилоти зиммасига юклатилганлиги тушунилади.[1]

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида таалуқлилик куйидаги турларга ажратилади:

- мустасно;
- альтернатив;
- шартномавий;
- шартли (императив) тааллуқлилик.

*Мустасно тааллуқлилик*. Фуқаролик, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган аксарият низоли ишлар бевосита судларга тааллуқли бўлиб, бошқа органлар томонидан мазмунан кўрилиши мумкин эмас. Тааллуқлиликнинг бундай тури мустасно деб номланади. Мустасно тааллуқлиликка мувофиқ, низоли ишни судда кўриб ҳал қилиш учун судга қадар у ёки бу органларда мазкур ишнинг кўрилиши талаб этилмайди. Масалан, вояга этмаган фарзандлари бўлган эр ва хотинни никоҳдан ажратиш, турар жойига нисбатан берилган ордерни ҳақиқий эмас деб топиш ва шу каби кўплаб фуқаролик ишлари мустасно тааллуқлиликка мисол бўла олади.

*Альтернатив тааллуқлилик*ка кўра, субъектив ҳуқуқ тўғрисидаги низо манфаатдор хоҳишига кўра судда ёки бошқа давлат органлари ёки жамоат ташкилотларида кўрилиши мумкин. Масалан, фуқаролик процессуал кодексининг 269-моддасига кўра, фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибда юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Шу ўринда фуқаронинг шикоятини маъмурий тартибда кўрилиши уни судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

---

[1] М.Мамасиддиков. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Олий ўқув талабалари учун дарслик (Умумий қисм). - Тошкент – 2012. – 242 б.

*Шартномавий тааллуқлилик* альтернатив тааллуқлиликка ўхшаб кетади. Бунда ҳам тарафлар низони ҳал этиш ваколатига эга бўлган органни танлаш имкониятига эга бўладилар. Фақат бу ерда низони қайси органда кўрилишини тарафлар ўзаро келишиб белгилайдилар. Масалан, тарафлар юзага келган низони ҳал қилишни ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битимини тузишлари шулар жумласидандир.

*Шартли тааллуқлилик*. Қонун ҳужжатларида ёки шартномаларда назарда тутилган айрим ҳолларда ишлар даставвал судга қадарли бошқа органларда кўрилганидан кейингина судга тааллуқли бўлади.

Фуқаролик ишларининг таалуқлилигини белгилашдаги мезонлар сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- биринчидан, низоли ҳуқуқий муносабатларнинг характери;
- иккинчидан, субъектлар таркиби (низода иштирок этувчи шахсларнинг таркиби);
- учинчидан, ҳуқуқнинг низоли ёки низосиз эканлиги;
- тўртинчидан, низодаги тарафлар ўртасида шартнома-нинг мавжудлиги;
- бешинчидан, ҳуқуқий ҳужжатнинг характери (унинг норматив ёки норматив эмаслиги);
- олтинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилган органнинг тури (шу ўрнида, давлат бошкарув органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши ва улар томонидан чиқарилган қарорларнинг устуворлиги ҳам назарда тутилади).

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасига мувофиқ, умумий юрисдикция судларига қуйидаги ишлар таалуқли бўлади:

1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;

2) Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида[1] санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;

---

[1]ФПКнинг 279-моддасида, Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларга ҳуйидагилар киради:
1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;
2) фуқароларни бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;
3) фуқарони муомалага лаёкати чекланган ёки муомалага лаёкатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;
4) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;
5) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш)

3) қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

Оила ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқлилиги Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қоидалари бўйича белгиланади. Оила кодексининг 11-моддасига кўра, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Хусусан, Оила кодексининг 38-моддасига кўра,

- никохдан ажратиш суд тартибида, ушбу кодекснинг 42, 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади.

- вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин ниқохдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар ниқохдан фуқаролик холати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади.

Шунингдек, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири ниқохдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Ундан ташқари,

- агар эр-хотиндан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

- суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли эр-хотиндан бири муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

- агар эр-хотиндан бири содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ниқохдан ажратилади;

- агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш хақида низо мавжуд бўлса, улар ниқохдан суд тарти-бида ажратилади.

Оила кодексининг 27-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин. Мободо, улар ўртасида низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек эр ва хотин-нинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Оила қонунчилиги аксарият оила ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг судларга таалуқли бўлиниши назарда тутади. Масалан,

ниқоҳ шартномасини Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш суд томонидан амалга оширилади. Шунингдек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳам фақат суд тартибида амалга оширилади.

Фуқаролик ишларининг **судловлилиги** гарчи процессуал институт сифатида тааллуқлиликка яқин бўлса-да, лекин мут-лақо мустақил ва ўзига хос фарқли жиҳатлари билан тавсиф-ланади. Ҳуқуқий адабиётларда “судловга тааллуқлилик”, “суд-ловга тегишлилик” ва “судловлилик” тушунчалари айни бир маънода қўлланилади.

Фуқаролик ишларининг *судловлилиги* деганда, судларга тааллуқли бўлган ишларнинг турлари ҳамда жойлашган ҳуду-дига қараб бир тизимдаги суд бўғинлари ўртасида тақсим-ланишини белгилаб берувчи фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормалари мажмуига айтилади.

Фуқаролик процессуал қонунчилик судловга тааллуқлиликнинг қуйидаги икки турини белгилайди:

- турдош;
- ҳудудий.

*Турдош судловлик* деганда, судларга тааллуқли бўлган фуқаролик ишларининг ижтимоий аҳамияти, мураккаблик даражаси ва субъектлар таркибига қараб фуқаролик ишлари бўйича судлар ўртасида тақсимланишини тушуниш лозим.

Турдош судловлилик қоидаларини белгилашда кўриладиган ишнинг тури, низонинг предмети нимадан иборат бўлиши ва тарафларнинг кимлар бўлишига қаралади. Турдош судловлилик қоидаларини белгилашдаги мазкур мезонларга қўшимча сифатида ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормасида белгиланган хусусиятлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият қасб этишини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади.

Турдош судловлилик икки хил мезон билан, яъни ишнинг тури ва даъво талабининг миқдорига қараб белгиланиши ҳақида фикрлар ҳам илгари сурилади. Турдош судловлиликнинг бу хилдаги мезонлар билан белгиланиши хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида кўплаб учрайди.

Мамлакатимиз қонунчилигида фуқаролик ишлари учун турдош судловга тааллуқлилик қоидалари назарда тутилмаган.

Фуқаролик процессуал кодексининг “Судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидалари” деб номланган 145-моддасида кўрсатилган нормаларни худудий судловлик қоидалари сифатида эътироф этиш лозим. Чунки ушбу нормада фуқаролик ишларининг худуд бўйича судловга тааллуқлилиги ҳақидаги умумий қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, аризаларнинг жавоблар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилиши, ташкилотларга нисбатан аризалар эса уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судга берилиши ҳақидаги қоидалар шундан далолат беради.

Ҳудудий судловлик тўғрисидаги умумий қоидаларга биноан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги низоли ишлар жавобгарнинг турар жойидаги судга тегишли бўлади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддасида даъвогарнинг танлаши бўйича судловлик тўғрисидаги қоидалар берилган. Бу моддада даъвогарга унинг тарбиясида вояга етмаган болалари бўлганида ёки саломатлиги туфайли жавобгарнинг турган жойига бориш имконияти қийинлашганида ажралиш тўғрисидаги даъвони ўзининг турган жойида қўзғатиши мумкинлиги тўғрисида амалдаги Фуқаролик Процессуал кодексида янги ҳуқуқий меъёрни берилиши она ва болаларни манфаатини кўзлаб уларга берилган имтиёзлардан ҳисобланади. Судловликни бу кўриниши бундай туркумдаги ишларни ўзига хос процессуал хусусиятига эга эканлигини ҳам англатади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 243-моддасига кўра ажралиш тўғрисидаги иш эр ва хотиннинг ўзаро келишуви бўйича ҳар қайсиларнинг турар жойидаги судда кўрилиши мумкин.

Никоҳдан ажралиш ҳақидаги бериладиган аризанинг ҳам хусусиятига эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги 11 сентябрь 1998 йилдаги Пленум қарорида судловлик тушунчасига янада аниқлик киритилиб, бунга кўра агар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган давлатларга кетган ва манзилгохи маълум бўлган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво, даъвогарнинг хоҳишига қараб (жавобгарнинг охирги яшаш жойи ёки унинг янги яшаш жойида), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирмайдиган бошқа давлатларга кетган шахслар билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволар эса даъвогарнинг яшаш жойидаги судда қўзғатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Судловга таалluқлилик масалалари Фуқаролик процессуал кодексининг “Биринчи инстанция судида иш юритиш”, деб номланган II бўлимида 14 боб сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур бобда судловга таааллуқлиликнинг фақатгина турдош судловлилик тури кўрсатилган бўлиб, ҳудудий судловга таааллуқлилик қоидалари бошқа бобда, яъни “Даъво ишларини юритишнинг судловга таааллуқлилиги” деб номланган 22-бобда ўз ифодасини топади. Айрим давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги ўрганилиб, таҳлил қилиниши шундан далолат берадики, судловга таааллуқлилик қоидалари Фуқаролик процессуал кодексининг “Умумий қоидалар”, деб номланган биринчи бўлимида ўз ифодасини топган.

Фуқаролар ва ташкилотлар томонидан судга тақдим этилган даъво аризаси, ариза ва шикоятларни судья қабул қилгач, фуқаролик иши қўзғатилади. Фуқаролик ишининг судловлиги тўғрисидаги масала даъво аризасининг қабул қилинишида судьянинг якка ўзи томонидан ҳал этилади. Фуқаролик процессуал қонунчиликка мувофик, суд судловга таааллуқлилик қоидаларига риоя қилган холда ўзининг юритишига қабул қилиб олган ишни,

гарчи кейинчалик бу иш бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлиб қолса ҳам, мазмунан ҳал қилиш лозим.

Фақат қонунда назарда тутилган ҳолатларда суд ўз юритишига қабул қилиб олган ишни бошқа судга ўтказиши мумкин.

Суд қуйидаги ҳолларда ишни кўриш учун бошқа судга ўтказади:

- муайян иш бошқа судда, хусусан далилларнинг кўпчилик қисми жойлашган ердаги судда ўз вақтида ва ҳар томонлама кўриб чиқилади деб ҳисобланса;

- илгари турар жойи номаълум бўлган жавобгар ишни ўзи яшаб турган жойдаги судга ўтказишни илтимос қилса;

- бир ёки бир неча судья четлатилгач, бу судда уларни алмаштириш мумкин бўлмай қолса;

- иш муайян судда кўрилаётганида бу иш судловга тааллуқлилик қоидалари бузилган ҳолда юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса.

Ишни бир суддан бошқасига ўтказиш ишларнинг ўз ечимини тўғри топишида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, иш бўйича мавжуд далилларнинг тўлиқ текширилишини, суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлайди.

Судловлилик қоидаларига риоя қилинмасдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор бўлишига олиб келмасдан, балки судьяга нисбатан юқори суд томонидан хусусий ажрим чиқарилишига олиб келиши мумкин.

### *2.1 Халқаро ҳуқуқий муносабатлари:*

Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари буйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Минск конвенцияси 22 январ 1993 йил қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 06.05.1993 йилдаги № 825-XII – сонли қарори билан ратификация қилинган ҳамда 19.05.1994 йилда кучга кирган.

Минск конвенциясида қуйидаги масалалар ўз ифодасини топган:

- Фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар;
- Ҳал қилув қарорларни тан олиш ва ижро қилиш;
- Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар.

***Мазкур Конвенциянинг 3-қисмидаги 26-30-моддаларида***

- Никоҳ шартлари келажакдаги эр-хотинлар қайси давлат фуқаролари бўлса, шу давлат қонунчилиги билан, фуқаролиги бўлмаган шахслар эса доимий яшаш жойига эга бўлган давлатнинг қонунчилиги билан белгиланиши;

- Бундан ташқари, никоҳ тузлаётганда никоҳ рўйхатдан ўтказилаётган давлатнинг қонунларига ҳам риоя қилиниши шартлигини;
- Шахсий ва мулкий ҳуқуқий муносабатлар эр-хотиннинг биргаликдаги яшаш жойи давлат қонунчилиги билан белгиланиши;
- Агар эр-хотиндан бири шартномалашаётган давлатлардан бирида, иккинчиси бошқа давлат ҳудудида яшаса-ю, иккаласи ҳам бир давлат фуқароси бўлса, қайси давлат фуқароси шу давлат қонунчилиги билан тарибга солиниши;
- Агар эр-хотиндан бири бир давлат фуқароси, иккинчиси бошқа бир давлат фуқароси бўлса, уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари уларнинг охирги биргаликдаги яшашган давлат қонунчилиги қараб белгиланганиши;
- Агар охирги биргаликда яшаган жойлари номаълум бўлса, ишни кўриб чиқувчи муассаса жойлашган давлат қонунчилиги асосида кўриб чиқилиши;
- Никоҳни бекор қилишда эр-хотин қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлат қонунчилиги асосан ҳал қилиниши;
- Агар эр-хотиндан бири бир давлат фуқароси, иккинчиси бошқа давлат фуқароси бўлса, никоҳни бекор қилиш учун муассаса жойлашган давлат қонунчилиги қўлланилиши;
- Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда шахс қайси давлат фуқароси бўлса, шу давлат қонунчилиги қўлланилиши;
- ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни қамраб олинган бўлиб, масалан ушбу модданинг 1-қисми 2-бандида: даъвогарнинг талабига кўра доимий равишда бола яшаб турган ҳудуд қонунчилиги асосидаалимент мажбуриятлари қўлланилиши белгиланиши қайд этиб ўтилган.

***Конвенцияни қуйидаги 12 та давлатлар имзолаган:***

- Армения Республикаси;
- Беларусь Республикаси;
- Қозоғистон Республикаси;
- Қирғизистон Республикаси;
- Молдова Республикаси;
- Россия Федерацияси;
- Тожикистон Республикаси;
- Туркманистон Республикаси;

- Ўзбекистон Республикаси;
- Украина имзолаган.
- Азарбайжон Республикаси ва Грузия конвенцияга қушилган.

Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари буйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Минск конвенцияси бўйича маъсул чет эл хукук мухофаза қилувчи органлар рўйхати

| | | |
|---|---|---|
| Азербайджанская Республика | Министерство юстиции<br>Азербайджанской Республики | |
| Республика Армения | Министерство юстиции<br>Республики Армения | |
| Республика Беларусь | Территориальные органы<br>Министерства юстиции Республики Беларусь:<br>- Управление юстиции Брестского облисполкома<br>- Управление юстиции Витебского облисполкома<br>- Управление юстиции Гомельского облисполкома<br>- Управление юстиции Гродненского облисполкома<br>- Управление юстиции Мингорисполкома<br>- Управление юстиции Минского облисполкома<br>- Управление юстиции Могилевского облисполкома | |
| Грузия | Министерство юстиции<br>Грузии | |
| Республика Казахстан | Комитет по судебному администрированию при Верховном Суде Республики Казахстан | Министерство юстиции<br>Республики Казахстан |
| Кыргызская Республика | Судебный Департамент при<br>Министерстве юстиции Кыргызской Республики | |
| Республика Молдова | Министерство юстиции<br>Республики Молдова | |
| Республика Таджикистан | Совет юстиции Республики Таджикистан | Министерство юстиции<br>Республики Таджикистан |
| Туркменистан | Министерство юстиции<br>Российской Федерации | |

| | |
|---|---|
| Республика Узбекистан | Территориальные органы<br>Министерства юстиции Республики Узбекистан:<br>- Ташкентское городское управление юстиции<br>- Управление юстиции Ташкентской области<br>- Министерство юстиции Республики Каракалпакстан<br>- Управление юстиции Хорезмской области<br>- Управление юстиции Новойиской области<br>- Управление юстиции Бухарской области<br>- Управление юстиции Самаркандской области<br>- Управление юстиции Сурхадарьинской области<br>- Управление юстиции Кашкадарьинской области<br>- Управление юстиции Джизакской области<br>- Управление юстиции Сырдарьинской области<br>- Управление юстиции Андижанской области<br>- Управление юстиции Наманганской области<br>- Управление юстиции Ферганской области |
| Украина | Министерство юстиции<br>Украина |

### *3. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни қўзғатиш, ушбу босқичда юритиладиган процессуал ҳужжатлар ва уларни расмийлаштириш тартиби.*

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза процессуал ҳужжат бўлиб, унинг билан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги процесс (иш) қўзғатилади. Аризада ажралиш тўғрисидаги талаб, яъни никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ҳуқуқнинг тан олиниши ва ҳимоя қилиниши тўғрисидаги талаб баён этилади. Шу тартибда ажралиш тўғрисидаги ариза ўзининг мазмуни бўйича даъво иши бўлиб кўрилади, бинобарин ҳар қандай даъво аризага нисбатан тадбиқ этиладиган ФПКнинг 148-149-моддаларининг талаблари[1] тўла равишда бу аризага нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза фақат эр-хотиннинг ҳар иккиси томонидан ёинки уларнинг бири томонидангина берилиши мумкин. (ФПКнинг 149-моддаси 2-қисмида белгиланиши бўйича, агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова килиниши лозим). Бу ҳолат никоҳ муносабатларининг биринчи навбатда шахсий муносабат бўлишлигидан ва ажралишга бўлган ҳуқуқнинг шахсий эканлигидан келиб чиқади.

Ажралиш тўғрисидаги ариза судья томонидан қабул қилиниши пайтидан эътиборан, ажрашувчи эр ва хотин фуқаролик процессуал тарафлар бўлиб ҳисобланадилар ва қонун билан белгиланган ҳамма процессуал ҳуқуқларни оладилар.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда баён этилиши лозим. Аризанинг мазмунида эр ёки хотиннинг ажралишни хоҳлашларигина кўрсатилмасдан, балки ажралиш сабаблари ҳам, шунингдек ажралувчиларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исмлари, туғилган

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексининг 148-моддаси. Ариза бериш.
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддаси. Аризанинг мазмуни.

йиллари ва турар жойлари ҳам кўрсатилиши лозим. Аризада бу маълумотларнинг кўрсатилиши ишнинг тааллуқли бўлишлигини тўғри белгилаш ва тарафларни судга чақириш учун зарур.

Ажралиш сабабининг аризада кўрсатилиши иккинчи тарафнинг суд мажлисига қадар бу сабаблар (важлар) билан танишиш имкониятига эга бўлишлиги учун ва ажралишликка рози бўлмаганида ёки ажралиш сабаблари билан келишмаганида уларни рад қиладиган далилларни судга келтириш мумкин бўлиши керак.

Бундай талабларга риоя қилингандагина суд ўзига қонун билан белгиланган вазифаларни, чунончи ажралиш сабабларини аввалдан аниқлаш, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган гувоҳларни белгилаш, шунингдек тарафларни яраштириш учун чоралар кўриш вазифасини бажариш имкониятига эга бўлади.

Ажралувчиларнинг фарзандлари бўлганида аризада уларнинг номлари, ёшлари, шунингдек ким тарбиясида бўлишлари, эр-хотиндан қайси бири болаларни ўз қарамоғи ва тарбиясига олишлиги кўрсатилади. Бундан ташқари, болаларни келгусида боқиш ва тарбиялаш тартиби тўғрисидаги масала юзасидан таклифларни кўрсатадилар.

Агар оилавий мулкни бўлиш тўғрисида талаб бўлса, эр ва хотиннинг мулкий аҳволи тўғрисида маълумотлар ва мулкни бўлиш тўғрисидаги таклифлар кўрсатилади.

Агар ариза берувчи ўзининг никоҳга қадар бўлган фамилиясини сақлашни хоҳласа, у ўзининг бу тўғридаги илтимосини аризада баён этиши мумкин.

Ариза ажралиш тўғрисида мурожаат қилган эр ёки хотин томонидан имзоланиши керак. Аризага болалар тўғрисидаги ва уларнинг ажралиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар: фуқаролар ҳолати далолатнома-ларини ёзиш органларидан олинган гувоҳномалар болаларни туғилиши туғисидаги ҳужжатлар, болаларнинг ким билан яшашлари ва ҳақиқатда кимнинг боқимида бўлишлари тўғрисида уйлар бошқармасининг берган маълумотлари, болалар-нинг ота-оналари оладиган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади. Оилавий мулкни бўлиш талаб қилинганида-мулкнинг қиймати баҳолари даъвогарнинг аризасида кўрсатилади.

Ажралиш тўғрисидаги ариза туман (шаҳар) судга берилишида энг кам иш ҳақининг 50 фоиз микдорида давлат божи тўланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-процессуал кодексининг 151-моддасига асосан, судья даъво аризани қабул қилиб, фуқаролик ишини қўзғатиш ҳақида асослантирилган ажрим чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 25.05.2012 йилдаги “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида”ги №07-сонли қарорининг 5-бандида қуйидагилар белгиланган.

Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилган ажримлар, одатда, кириш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши керак.

Ажримнинг кириш қисмида ажрим чиқарилган вақт ва жой, ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлиси котиби, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти кўрсатилади.

Ажримнинг асослантирувчи қисмида суднинг хулосасига кўра олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар баён этилиши лозим.

Ажримнинг хулоса қисмида суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси, ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддатлари кўрсатилиши лозим. Ажримнинг хулоса қисми уни ижро этиш чоғида тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун аниқ ва тушунарли ифода этилган бўлиши керак.

Масалан:

АЖРИМ
(фуқаролик ишини қўзғатиш ҳақида)

2013 йил 19 март куни фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди судьяси О.Турдиев даъвогар Б.Умаровнинг жавобгар Г.Абдуллаевага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризасини кўриб чиқиб,

АНИҚЛАДИ:

Наманган шаҳри 3-а Вохидов кўчасида яшовчи Б.Умаров Г.Абдуллаевага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Суд ушбу даъво аризаси судда кўришга тегишлилигини, туманлараро судининг судловига тааллуклилигини, даъво аризаси ФПКнинг 149-150-моддалари талабларига жавоб беришини ҳамда давлат божи тўланганлигини эътиборга олиб, Ўз.Р.ФПКнинг 151-моддасини қўллаб,

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Даъвогар Б.Умаровнинг жавобгари Г.Абдуллаевага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик иши қўзғатилсин.

Судья: О.Турдиев

### *4. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари.*

Ажралиш тўғрисидаги ишни судда кўриш учун тайёрлаш ҳам ҳамма фуқаролик ишлари каби фуқаролик процессининг мажбурий босқичи бўлиб кўрилади. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Бинобарин, судлар томонидан бундай ишнинг тайёрланиши юзасидан қонунда белгиланган ҳамма талаблар қатъиян бажарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларини судда кўришга пухта тайёрлаш зарурлигига эътибор бериш лозимлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорида таъкидланган.

Ишни судда кўришга пухта тайёрлаш зарурлигига судларнинг эътибори қаратилсин. Судья томонидан ФПКнинг 161-моддасига мувофиқ олиб борилган барча тайёргарлик ҳаракатлари ажримда ўз аксини топиши шарт. Судья никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризани қабул қилиб, одатда жавобгарни чақириши, унинг ушбу аризага муносабатини аниқлаши, эр-хотинни яраштириш чораларини кўриши шарт. Қолаверса судья тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида, шунингдек, уларнинг ҳар иккаласи билан биргаликда оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказиши лозим.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья эр-хотин ўртасида суд томонидан ҳал этиладиган бошқа низоли масалалар бор-йўқлигини аниқлайди, қандай талаблар никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъво билан биргаликда кўрилиши мумкинлигини тушунтиради, тарафлар ўртасида муқаддам никоҳдан ажралиш ҳақидаги иш бўлган-бўлмаганини аниқлайди, агар бундай иш бўлса, уни тарафларнинг ҳақиқий муносабатларини аниқлаш мақсадида, суд мажлисига кўздан кечириш учун чақиради.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазийятни соғломлаштириш чораларини кўришга мажбур.

Эр-хотинни яраштириш чораларини кўришда суд тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишни кўрилишини бошқа вақтга қолдиришига ва эр-хотинга ярашишлари учун «Оила» кодексида кўрсатилган доирада, лекин уч ойдан кам бўлмаган мухлат белгилашга ҳақли.

Судья яраштириш учун берилган муддатда эр-хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолларда ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-кизлар қумиталарига ва ўзини-ўзи бошқариш органларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари билан бошқа фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашдан фарқланади. Бундай ишларда эр ва хотиннинг никоҳдан

ажралишга қаратилган, уйламасдан шошилишлик билан қилинган ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини белгилаш ҳам кўзланади.

Судья ажралиш учун мурожаат қилган эр ва хотинни ишнинг судда кўрилишига қадар яраштиришлик учун чоралар кўриши бу ишларнинг муҳим хусусиятларидандир.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш ФПКнинг 158-160-моддаларига мувофиқ ўтказилади.

Агар эр ва хотин бир шаҳарда, бир аҳоли яшайдиган ҳудудда турсалар, судья тубандагича процессуал ҳаракатларни амалга оширади:

1. Никоҳдан ажралиш хақида талаб аризасини берган тарафдан ажралишнинг сабабларини аниқлайди, умуман ажралиш тўғрисида берилган аризанинг мазмуни бўйича сўроқ қилади, ажралиш важларини асослаш учун ва ажралиш тўғрисида куйган талабларнинг қандай асосланганлиги тўғрисида қандай далиллар борлигини аниқлайди ва даъвогарга унинг процессуал ҳуқуқ ва бурчларини тушунтиради.

2. Агар ажралувчиларнинг вояга етмаган болалари бўлса, ажралиш тўғрисида ариза берган эр ёки хотиннинг болаларни ўзида қолдириши ёки ўзига топширилиши тўғрисида талаби бўлиш-бўлмаслигини ёки бу масала юзасидан улар ўртасида ўзаро келишув бўлганлигини ва бундай келишувнинг нимадан иборат бўлишлигини белгилайди.

3. Даъвогардан алиментлар ундириш тўғрисидаги талаб-лари нимадан иборат бўлишлиги ва ўртада орттирилган мулкни бўлиш тўғрисида қандай талаблари бўлишлиги тўғрисида сўроқ олади.

4. Даъвогардан унинг аризасида кўрсатган талаблари юзасидан жавобгарнинг қандай эътирозлари бўлишлигини ва судга даъвогар томонидан чақирилиши лозим бўлган гувоҳларни аниқлайди.

5. Даъвогардан тегишли ҳужжатлари, болаларнинг туғилиши тўғрисидаги гувоҳномаларни, болаларнинг эр ва хотиннинг қайси бири боқимида бўлишлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарув идораларидан маълумотномани эр ва хотиннинг ҳар қайсилари оладиган иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотни, эр ва хотиннинг турмуш давомида орттирган мулклари рўйхатини, ҳар қайси буюмнинг қийматини ва ҳамма мулкнинг умумий қийматини кўрсатиб, топширишини талаб қилади. Мулкнинг қиймати (баҳоси) тўғрисида эр ва хотин ўртасида келишмовчилик бўлгани ҳолда судья товарларни текшириш экспертизисини тайинлайди.

6. Судья жавобгар тарафни ажралиш тўғрисида берилган ариза билан таништириш ва арз қилинган даъвога муносабатини аниқлаш мақсадида сўроқ қилиш учун чақиради. Жавобгарнинг ажралиш важлари юзасидан эътирозлари бўлиш-бўлмаслигини, болаларнинг тақдири тўғрисидаги масалалар бўйича қандай эътирозлари борлигини, алимент талаблари, мулкни тақсимлаш масалалари юзасидан қандай эътирозлар нималар билан исботланишини сўрайди. Судья жавобгарга унинг қандай процессуал ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишлигини тушунтиради.

7. Судга жавобгар томонидан чақирилиши лозим бўлган гувоҳларни аниқлайди ва жавобгардан унинг эътирозларини тасдиқлайдиган бошқа зарур далилларни талаб қилади.

8. Ишда иштирок этувчи шахслар доирасини белгилайди, процессга васийлик ва хомийлик органлари прокурори, жамоатчилик вакиллари жалб қилиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилади.

Судья одатда ишнинг судда кўрилишидан аввал суҳбатлашиш учун эр ва хотиннинг ҳар иккисини бир вақтга чақиради. Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ низоли ишларнинг хусусиятлари умумий қоидага кўра эр-хотиннинг бевосита ўзлари иштирокида кўрилишидир. Бироқ қайд қилиб ўтилган Олий суднинг Пленум қарорида алоҳида ҳолларда бундай туркумдаги ишларни ҳам вакиллар орқали юритишни мумкинлигини таъкидлайди. Агар эр ва хотин ҳар қайсилари бошқа-бошқа туманларда яшасалар, ажралиш тўғрисидаги иш эса даъвогар тарафнинг турар жойдаги суднинг иш юритишига қабул қилинган бўлса, жавобгарни ажралиш тўғрисида берилган ариза билан таништириш, жавобгарни сўроқ қилиш ва ундан эътирозларни тасдиқлайдиган далилларни талаб қилиш юзасидан ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича қилинадиган ҳамма ҳаракатлар жавобгар турган судья томонидан амалга оширилади. Бунинг учун ишни қабул қилган суди бошқа туман (шаҳар) судига алоҳида топшириқ беради.

Ишни судда мазмунан кўриш жараёни. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишнинг судда кўрилишида тарафларнинг иштирок этиши зарур шарт бўлиб, бусиз суд ўзида оилани мустаҳкамлаш бўйича юклатилган вазифаларни бажара олмайди.

Суд мажлисига чақирилган тарафларнинг келмасликлари тубандагича оқибатларни туғдиради: биринчидан, тарафлардан бири келмаганида ишнинг кўрилиши бошқа вақтга қолдирилади, тарафлар қайтадан чақириладилар: иккинчидан, агар жавобгар иккинчи маротаба чақирилишда ҳам, узрсиз сабаблар билан келмаса, агар унга чақирув хатининг топширилганлиги тўғрисида судда маълумотлар бўлса, иш унинг иштирокисиз кўрилади.

Ажралиш тўғрисида ариза берган эр ёки хотин узрсиз сабаблар бўйича иккинчи маротаба чақирилишда ҳам суд мажлисида ҳозир бўлмаса, агар иш унинг иштирокисиз кўрилиши мумкинлиги тўғрисида ундан ариза тушмаган бўлса, суд кўрмасдан қолдиради (ФПКнинг 97-моддаси 5-банди).

Ажралиш тўғрисидаги ишни судья очиқ суд мажлисида кўради. Эр ва хотиннинг илтимосига кўра ҳамда суд ажрими бўйича зарур ҳолларда ажралиш тўғрисидаги иш ёпиқ суд мажлисида кўрилиши мумкин.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисида бошқа фуқаролик ишлари бўйича ўтказиладиган суд мажлисидан ўзининг мақсади, уни олиб бориш тартиби, усули жиҳатдан ҳам фарқланишига аҳамият бериш лозим.

Бундай туркумдаги ишларда суд ишнинг ҳолатларини уни мазмунан ҳал қилиш учунгина эмас, балки эр ва хотинни яраштириш учун чоралар кўриши лозим.

Оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлардан никоҳдан ажралишга оид низоларни суд амалиётини умумлаштиришда юқорида берилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарори ўзбекона урф-одатлар ва миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда оилани мустаҳкамлаш мақсадида зарур ҳолларда ажрим нусхаларини эр-хотин яшайдиган жойдаги хотин-кизлар қумиталарига: маҳалла кенгашларига ва уз-узини бошқариш органларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши масаласини назарда тутиши бундай ишларни келиб чиқишини олдини олишга қаратилган тадбирлар эканлигини назарда тутмок лозим.

Оилани мустаҳкамлаш масаласининг муҳимлигини эътиборга олиб қонунларимиз судларга зарур ҳолларда ажралиш тўғрисидаги ишнинг кўрилишини бошқа вақтга қолдириш ҳамда эр ва хотинга ярашиш учун мухлат тайинлаш ҳуқуқини берди. Бу муддат даъво ишининг ҳолатларига қараб суд томонидан белгиланади, аммо Оила кодексининг 40-моддасида кўрсатилганидек, олти ойдан ошмаслиги керак.

Агар суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талабларини рад этган ҳолларда никоҳдан ажратиш билан боғлиқ бўлган бошқа талаблар ҳам кўрилмайди. Масалан, мол-мулкни бўлиш, уй-жойдан кўчириш ва ҳоказо.

Ажралиш тўғрисидаги иш мазмунан фақат эр ва хотин ўртасида ярашишликка эришилмаган ҳолдагина ҳал қилиниши мумкин. Суд ҳар бир ҳолда ҳам эр ва хотин ўртасида бўлган муносабатларни диққат билан текширишга, ишнинг барча ҳолатларини аниқлашга мажбур.

Агар суд ажралиши тўғрисидаги ишнинг қўзғатилиши чукур уйланилган ва асослантирилган важлар бўйича бўлганлигини ва никоҳни келгусида сақлаш ахлок принципларига зид келади деб-билса ва эр-хотиннинг келгусида бирга яшашлари учун лозим даражадаги шароитлар яратилиши мумкин эмаслигига ва болаларни тарбиялаш учун керакли шароитлар бўлмаслигига ишонса, никоҳдан ажралиш тўғрисида қарор чиқариши лозим.

Никоҳдан ажралиниши оилани бузилишига ҳам олиб келишлигини эътиборга олиб, мустақил республикамизнинг фуқароларини оилани мустаҳкамлаш масалаларига жиддий эътибор бермоклари лозимлиги масалаларига қатор имкониятлар яратиб бераётганлиги шу низоларни олдини олишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар бўйича чиқарган қарорларида эр ва хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларни жиддий ва диққат билан урганишга, ҳар сафар болаларнинг манфаатларини эътиборга олиб, оилани сақлаш учун мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш зарурлигига эътиборни жалб қилади. Булардан ташқари суд тарафларга ярашиш учун мухлат беришда ҳам, шунингдек ишни мазмунан кўришда ҳам, оилани сақлаб қолиш манфаати учун эхтиёж юзага келган ҳолларда жамият вакилларини ишга жалб қилиш масаласини ҳал қилиши мумкин.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларнинг кўрилиши жуда мураккаб ва муҳим процесс бўлиб, суддан кўп нарсаларни, жумладан, ишни кўришга алоҳида эътибор беришни, турмуш тажрибаларига эга бўлишни, қонунларни билиб тадбиқ этишни талаб қилади. Судга ажралиш тўғрисида мурожаат қилувчи эр-хотинлар ўртасида мавжуд бўлган муносабатларни аниқлаш, текшириш юзасидан анча қийин масалаларни ҳал қилишга, уларни ярaштириш учун чоралар қидиришга тўғри келади.

Ажралиш тўғрисидаги ишнинг судда кўрилиши шундай тарзда ўтказилиши керакки, у ўзининг асосий мақсадига эришиши, яъни чукур уйламасдан никоҳдан ажралишнинг олдини олиш, оилани сақлаб қолиш ёки агар, дарҳақиқат зарур бўлса, ажралиш тўғрисидаги илтимосни каноанлантириш лозим бўлади.

Ажралиш тўғрисидаги ишнинг уйлаб ҳар томонлама мулоҳаза қилиб ўтказилиши, ажралувчи эр ва хотинда, шунингдек суд мажлиси залида бўлган барча фуқароларда чукур таъсир қолдиради. Суд мажлиси қонунга, истиклол ахлок нормаларига ҳурматда бўлишга тарбиялаши, эр ва хотинни ўз оилаларини мустаҳкамлаш зарурлигини англашга мажбур қилиши, уларни чукур уйламасдан никоҳдан ажралишга бўлган ниятларидан бош тортиш зарурлигига ишонтириш керак.

### *5. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан, чиқарилган ҳал қилув қарорини мазмуни ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.*

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарори катта ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, эр ва хотин учун ниҳоятда жиддий оқибатлар туғдиради, уларнинг келгусида ҳаётлари, турмушларининг қандай бўлишлиги тўғрисида чукур уйлашга, мулоҳаза қилишга мажбур бўлади. Олий суд бундай туркумдаги ишлар юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарорларни чиқаришда унинг мазмунига эътибор бериш лозимлиги ҳақида судларга раҳбарий тушунтиришлар бериб, бунга кўра: ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд томонидан аниқланган эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг сабаблари суднинг оилани сақлаш имконияти борлиги ёхуд уни батамом барбод бўлганлиги ҳақидаги хулосага келиши учун асос бўлган далиллар, суднинг у ёки бу далилларни инобатга олмаслиги учун асос қилиб олган важлари, суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисми тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан, биргаликда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суднинг хулосаларини ўз ичига олиши лозим. ҳал қилув қарорининг бу қисмида никоҳдан ажратилганликни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш китобида рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган вақт, акт ёзувининг сони, никоҳни қайд қилган органнинг номи, 18 ёшгача бўлган болаларнинг сони) ҳам кўрсатилиши лозим.

Эр-хотиннинг фамилиялари ҳал қилув қарорида никоҳ қайд этилганлик ҳақидаги гувоҳнома асосида ёзилади. Никоҳга кирган вақтда фамилия ўзгарган бўлса, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида никоҳгача бўлган фамилия ҳам кўрсатилади. Ҳал қилув қарорида эр-хотиндан қайси биридан ва қайси миқдорда давлат божи ундирилиши ва эр-хотиндан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотлар кўрсатилиши шарт.

Никоҳдан ажратилган ҳолда эр-хотиндан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини белгилашда суд уларнинг ҳар бирини моддий аҳволини, оилани барбод бўлишидаги айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан, вояга етмаган болаларнинг эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади.

Суднинг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги талабни қаноат-лантирадиган қарори қонуний кучга кирганидан бошлаб, ажралишни қайд қилиш учун ФҲДЁ органига мурожаат қилганда бундай ажралиш қайд қилинган вақтдан эътиборан эр ва хотин бир-бирларига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари тугатилган бўлади.

Суднинг ажралиш қарорида ундирилиши лозим бўлган давлат божининг эр ва хотиннинг қайси биридан ва қанча миқдорда олиниши кераклиги, шунингдек ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш тартиби кўрсатилади ва қарор суд (судья) томонидан имзоланади.

Суднинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарори фақат ажралишга бўлган ҳуқуқнинг тан олинганлигини билдиради. Никоҳдан ажралиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг ҳам эр ва хотинларга ўзларининг ҳаракатлари оқибатлари тўғрисида яна бир маротаба қарор қонуний кучга киргунга қадар уйлаш, мулоҳаза қилиш учун фурсат берилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори ФПКнинг 310-323-моддаларига мувофиқ умумий асосларда шикоят қилиниши мумкин.

Бу туркумдаги ишларни апелляция, кассация ва назорат тартбида кўришда қуйи судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича йўл қўйилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини жиддий бузилганлигини аниқлаш зарур бўлади.

1944 йил 8 июлда чиқарилган Фармон, чукур уйламасдан ажралиш натижасида оиланинг бузилишидан сақлаш мақсад-ларида никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар юзасидан бошқа фуқаролик ишлари бўйича олинадиган давлат божини миқдорига нисбатан ошиқрок суммада божи олинишини белгилаган эди. Амалдаги қонунларда эса, суд никоҳдан ажралиш тўғрисидаги аризанинг берилишида тўланиши лозим бўлган энг кам иш ҳақининг 50 фоиз миқдоридан ташқари суднинг никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариш пайтида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда эр-хотиндан ҳар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган давлат божи миқдорини белгилаши лозим. Агар суд бу божни эр-хотиннинг ҳар иккаласидан ундиришни лозим деб топса, уларнинг ҳар бири тўлайдиган бож миқдорини белгилайди (Оила

кодексининг 45-моддаси). Бундай ишлар бўйича ундириладиган давлат божи бошқа фуқаролик ишлари бўйича олинадиган оддий давлат божидан ўзининг мақсади ва тайинланиши жиҳатидан фарқ қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича олинадиган давлат божи ишни юритиш бўйича суд харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида белгиланади. Никоҳдан ажраш тўғрисидаги ишлар бўйича олинадиган давлат божи эса бошқа асосий мақсадни чукур уйламасдан ажралишнинг олдини олиш мақсадини кўзлайди ва чукур уйламасдан ажралувчи эр ва хотинларга иктисодий, моддий таъсир этиш чораси бўлиб кўрилади.

Бошқа фуқаролик ишларида олинадиган давлат божининг суммаси қонун билан белгиланади ва даъво талабларининг миқдорига ёки даъвонинг баҳосига боғлиқ бўлади ҳамда даъвогар томонидан даъво аризаси берилишида тўланади. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилган ҳоллардагина, ундириладиган бож суд томонидан юқоридаги кўрсатилганидек белгиланади ва шу билан бирга бу бож фақат даъвогардан ёки жавобгардан ёхуд тарафларнинг ҳар иккаласидан ундирилиши мумкин бўлади (Оила кодексининг  45-моддаси).

Бож суммаларининг миқдорини белгилашда суд тарафлар-нинг моддий аҳволини, ишнинг ҳақиқий ҳолатини, ажралув-чиларнинг айбли бўлиш даражаларини эътиборга олади. Суд тарафларнинг аҳволига қараб, эр-хотиндан бирини ёки ҳар иккисини божни тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўриш.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда ҳал қилиш тартиби никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъволар ва уларнинг кўрилишининг процессуал тартибидан фарқ қилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар ҳам судга тааллуқли қилинган. Бундай туркумдаги ишлар низоли ишлар бўлганлиги сабабли умумий даъво ишларини кўриш тартибида ҳал қилинади (Оила кодексининг 40-моддаси, ФПКнинг 239-моддаси).

Қонунда белгиланган никоҳ тузиш шартларини бузиб қайд қилинган никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, жумладан, никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари бўлмаса, бошқа бекор қилинмаган никоҳ мавжуд бўлса, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб танилган шахс билан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга кирилган бўлса.

Тарафларнинг ёки улардан бирининг оила кўриш мақсадини кўзламай қайд қилинган (сохта никоҳ) никоҳлари ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда суднинг вазифалари ҳам никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни кўришдан бошқача. Бундай ишларни кўришда қонун судларга эр ва хотинни яраштириш ва оилани сақлаш мажбуриятини юкламайди, чунки давлат ҳам, жамият ҳам қонунни бузиб тузилган никоҳни ҳимоя қилмайди.

Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларнинг кўришнинг процессуал хусусиятлари никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларга жорий

қилинмайди. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъволардан: даъвонинг асослари, ишнинг предмети жиҳатидан ҳам, бундай даъволарни қаноатлантирадиган ҳал қилув қарорларининг ҳуқуқий оқибат-лари жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвонинг асослари Оила кодексининг 49-56-моддаларида кўрсатилган. Бундай даъволарнинг предмети никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб, яъни иш бўйича даъвогар ва жавобгар ўртасида ҳуқуқий муносабат (никоҳ)нинг бўлмаганлигини белгилаш тўғрисидаги талаб бўлади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантириб чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори мазкур никоҳнинг қайд қилиниши факти-ҳуқуқий муносабатнинг (никоҳнинг) вужудга келтирилмаганлигини, эр ва хотин учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдирмаганлигини тасдиқлайди. Аммо никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши бундай никоҳда бўлган даврда туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди (Оила кодексининг 56-моддасининг 3-қисми). Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқга эга бўладилар. Ажралиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисида чиқарилган суднинг қарори ажралиш учун ҳуқуқнинг бўлишлигини тасдиқлайди. Суднинг бундай қарори кучга кириши пайтидан эътиборан никоҳ тугатилган ҳисобланади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун муддат ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилиши лозим (Оила кодексининг 50-моддаси).

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлашда судья қуйидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширади:

Судья никоҳдан ажратиш хақидаги аризани қабул қилиб, одатда жавобгарни муносабатини аниқлаши, эр-хотинни яраштириш чораларини чақириши, унинг ушбу аризага кўриши шарт. Қолаверса, судья тарафларнинг ҳар бири билан алоҳида, шунингдек, уларнинг ҳар иккаласи билан биргаликда оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказиши лозим.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида, судья, эр-хотин ўртасида суд томонидан ҳал этиладиган бошқа низоли масалалар бор-йўқлигини аниқлайди, қандай талаблар никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъво билан биргаликда кўрилиши мумкинлигини тушунтиради, тарафлар ўртасида муқаддам никоҳдан ажралиш ҳақидаги иш бўлган-бўлмаганлигини аниқлайди, агар бундай иш бўлса, уни тарафларнинг ҳақиқий муносабатларини аниқлаш мақсадида, суд мажлисида кўздан кечириш учун чақиради. Ишни тайёрлашни етарли деб топгач, судья ишни судда кўришга тайинлаш хақида ажрим чиқаради

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд томонидан амалга оцириладиган харакатлар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 44-моддасига кўра, никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр

ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таьминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

- никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;
- вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;
- эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;
- эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

***6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кўлами кенгайиб, самарадорлиги янада ортиб бораётгани алоҳида таъкидланади. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида бу борадаги ишларни янада кучайтириш долзарб вазифалардандир.

Мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Оиланинг негизи мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга.

Жумладан, Бош қомусимизда қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.[1]

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Тошкент “Ўзбекистон” Нашриёт – матбаа ижодий уйи. 2017 йил

Оила билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асослари истиқлол йилларида янги маъно ва мазмун касб этди. Жамиятда оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, эр-хотин ўртасидаги турли мулкий, шахсий номулкий муносабатларни тартибга солиш мақсадида Оила кодекси қабул қилингани бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Айни пайтда ушбу йўналишдаги қонунчилик изчил такомиллашмоқда. Шу муносабат билан Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрда қабул қилинган "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори қайта ўрганиб чиқилиб ва янги таҳрирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори кабул килинди. Унда никоҳни тугатиш асослари, аёл ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар эътиборга олиши лозим бўлган ҳолатлар, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволарнинг судловга тааллуқлилиги, даъво аризаларига қўйиладиган талаблар аниқ акс эттирилган.

Бундан ташқари, қарорда оилавий ҳаётдаги вақтинчалик келишмовчилик ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек, эр-хотиннинг жиддий сабаблар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги ажрашиш учун етарли асос бўла олмаслиги ҳақидаги тушунтиришлар ҳам ўз аксини топган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан никоҳни бекор қилиш амалиётига эътибор киладиган булсак куйдаги маьлумотларни келтиришимиз мумкин:

Масалан: Наманган шаҳридаги ФХДЁ органларида

| Йиллар | Рўйхатга олинган никохлар | Рўйхатга олинган никохдан ажратишлар | Шундан | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | ФХДЁ органларида аризага асосан | ФИБ судлар карорларига асосан | ЖИБ судлар ҳукмларга асосан |
| 2010 | 3836 | 134 | 108 | 25 | 1 |
| 2011 | 3480 | 315 | 122 | 191 | 2 |
| 2012 | 3789 | 250 | 91 | 155 | 4 |

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди томонидан шу йўналиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан:

| | 2011йил | 2012 йил |
|---|---|---|
| Ўтган йиллар ҳисобидан ўтган ишлар қолдиги | 136 | 256 |
| Никоҳдан ажратиш тўғрисида келиб тушган даъво аризалар ва ишлар | 1433 | 993 |
| Суд томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари | 1171 | 1000 |

| | | |
|---|---|---|
| қаноатлантирилган | 698 | 532 |
| тугатилган | 38 | 43 |
| Даъво курмасдан қолдирилган | 104 | 104 |
| Жаъми тамомланган | 1313 | 1147 |
| Бошқа судга юборилган | 0 | 16 |

Никоҳдан ажратиш ёки никоҳдан ажратишни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорига қўйиладиган талаблар ва эр-хотиндан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдорини белгилашда эътибор бериладиган жиҳатлар, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилиши, судлар бундай даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасини аниқлаши, Оила кодексининг 49-моддасида кўрсатилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтириб талқин этишга йўл қўйилмаслиги ҳам қарорда белгиланди.

Қабул қилинган пленум қарори амалдаги қонунларни тўғри татбиқ этиш, ягона суд амалиётини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 37-моддасида белгиланганидек, никоҳ эр-хотиннинг ҳаётлигида улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ ажралиш йўли билан тугатилиши мумкин. Суд ажралиш тўғрисида ариза берган эр ва хотинни яраштириш учун барча чораларни кўришга мажбур.

Бундай тоифадаги ишларни кўришда судлар оиланинг дахлсизлигига, миллий хусусиятларга эътибор беришлари лозим.

Амалдаги никоҳдан ажралиш тўғрисидаги қонунларни шариат ҳуқуқий меъёрларига тўғри келишини қуйидагилардан англаш мумкин.

Суд ва эр-хотиннинг келгусида биргаликда оилавий турмуш олиб бориш ва оилани сақлаб қолиш имконияти йўқ деб топгандагина никоҳдан ажратилиши мумкин.

Вояга етмаган фарзандлари бўлмаган эр ва хотиннинг ажралишликка ўзаро розиликлари бўлган тақдирда, агар улар ўртасида мулк тўғрисида ва бир-бирларининг таъминоти учун алимент ундирилиши тўғрисида даъво бўлмаса, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органида бекор қилиниши мумкин.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган шахслар, руҳий касаллик ёки ақли заиф бўлганлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек, камида уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилишига ҳукм қилинган шахслар билан бўлган никоҳ ҳам фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида, аммо низо бўлган тақдирда, бундай никоҳ суд тартибида кўриб ҳал қилинади.

Демак никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишлар икки гуруҳга: биринчидан, низосиз бўлганлиги туфайли фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида кўриладиган ажралиш тўғрисидаги ишлар ва иккинчидан, ажралувчилар ўртасида низо бўлгани

туфайли умумий даъво иши тартибида судда кўриладиган ажралиш тўғрисидаги ишларга бўлинади.

Ажралиш тўғрисидаги ишларнинг икки гуруҳга бўлинишига асос-эр ва хотиннинг ажралишга бўлган ҳуқуқларини низоли ёки низосиз (маъмурий тартибда) бўлишлигидир. Эр ва хотин ажралишга бўлган ҳуқуқларини фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида икки ҳолда биринчидан, ажралиш учун эр ва хотиннинг ўзаро рози бўлганларида ва иккинчидан, ажралувчи эр ва хотиннинг вояга етмаган фарзандлари бўлмаганида-амалга оширадилар.

Ажралишга бўлган ҳуқуқнинг низосиз бўлишлиги туфайли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида ажралиш ҳуқуқини берадиган бошқа юридик фактлар ҳам бор. Бундай ишларининг айримларини алоҳида тартибда кўриладиган ишлар туркумига киритса, ҳам асосли бўлади. Булар тубандагилар: биринчидан, эр ёки хотиннинг белгиланган тартибда, дараксиз йўқолган деб танилиши факти: иккинчидан, эр ёки хотиннинг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб танилиши факти: учинчидан, эр ёки хотиннинг жиноят қилганлиги учун камида уч йил муддатга ҳукм қилиниши факти бўлади.

Аммо юқорида кўрсатилган фактлар уз-узича ажралишга бўлган ҳуқуқнинг низосиз бўлишлигини ва бинобарин фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига ажралиш тўғрисида мурожаат қилиш мумкинлигини билдирадиган асослар бўлиб ҳисобланмайди. Қонун фуқаролик далолатномаларини қайд қилиш органида бекор қилиниши учун яна қўшимча шартларни ҳам белгилайди. Никоҳни қайд қилиш органида ажралишни расмийлаштириш учун қамоқда бўлган эр ёки хотиннинг аризаси ёки муомалага лаёқатсиз тарафнинг васийси томонидан берилган болалар тўғрисидаги, эр ва хотиннинг умумий мулки бўлган мулкни бўлиш тўғрисидаги аризаси бўлмаслиги ёхуд меҳнатга лаёқатсиз эр ва хотиннинг мухтож бўлганлиги сабабли таъминот тўланиши тўғрисида низо бўлмаслиги талаб қилинади.

Эр ва хотиннинг никоҳни қайд қилиш органларига биргаликда ёзма ариза беришлари ва бу аризада никоҳни бекор қилиш тўғрисида ҳар икки тарафнинг илтимоси баён этилиши керак бўлади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларига тааллуқли бўлган никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар бу идораларда кўриб ҳал этишнинг иложи бўлмаганлиги ҳақида далиллар (бу органга ажралувчилардан бирини келмаслиги ёки ариза беришдан бош тортганлиги ва ҳоказо тўғрисида шу идоралардан тегишли маълумотлар) бўлса, суд бундай ишларни даъво қўзғатиш тартибида кўришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси 1969 йилги «Никоҳ ва оила» кодексида никоҳдан ажратиш ишларини фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органларига аризани қабул қилганидан сўнг уч ой ўтганидан кейин ажралиш қайд қилинган. Бунда уч ойлик муддат эр ва хотиннинг ўзаро ярашиб кетишлари эхтимолини назарда тутиб белгиланган. Агар кўрсатилган

уч ойлик муддат давомида эр ва хотиндан бири ажралишни истамаслигини билдирса, ажралиш тўғрисидаги иш низоли бўлганлиги туфайли судда кўрилган эди. Амалдаги «Оила» кодексида бундай ҳуқуқий меъёр киритилмаган. Бундай қоидани киритилмаганлиги бундай туркумдаги ишларни кўришда шошма-шошарликка йўл қўйилишига асос бўлиши мумкин деган фикрдамиз. Агар эр ва хотиннинг ажралиш тўғрисидаги ниятлари қатъий бўлса, уч ой ўтгандан сўнг фуқаролик ҳолати актларини ёзиш органи никоҳни бекор қилинганлигини қайд қилишга ва ажралиш тўғрисидаги эр ва хотинга гувоҳнома бериш лозим бўлган.

Эр ва хотиннинг вояга етмаган фарзандлари бўлмаган ҳолда ўзаро ажралишликка рози бўлганларида фуқаролик ҳолати актларини ёзиш органи ажралишни қайд қилишда қонунда белгиланган миқдорида давлат божи ундирилади.

Бедарак йўқолган ёки руҳий касаллик ёхуд ақли заифлик туфайли қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар билан ёинки жиноят қилганлиги учун камида уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахслар билан бўлган никоҳни бекор қилишни қайд қилишда бож белгиланган энг кам иш ҳақининг икки фоизи миқдорида олинади.

Оила кодексининг 39-моддасида белгиланганидек, хотиннинг хомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни хотиннинг розилигисиз қўзғатишга ҳақли эмас. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун хотиннинг розилиги бўлмаса, суд эрдан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юритишни тугатади. Булардан ташқари агар хотиннинг хомиладорлиги ва никоҳдан ажралишга розилиги йўқлиги ишни кассация ва назорат босқичида кўриш вақтида маълум бўлса, иш рад этиш асосларини кенгайтиради.

## Никоҳ, никоҳдан ажратишга оид ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари ва никоҳдан ажралишни юзага келтирувчи сабаблар

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ низоли ишларни судда кўриш ўзининг қатор хусусиятлари билан бошқа турдаги фуқаролик ишларидан фарқланиб, мазкур хусусиятлар никоҳ муносабатларининг мазмун-моҳияти билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Мазкур ишларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритишдан олдин никоҳ тушунчасига тўхталиб ўтиш

мақсадга мувофиқ саналади. Никоҳ арабча сўздан олинган бўлиб, “қўшилиш” маъносини ифодалайди.

Никоҳ ижтимоий тушунча сифатида инсон наслининг давомийлигини таъминловчи восита ҳамда эркак ва аёл ўртасида бир умрга тузилган аҳднома ҳисобланади. Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлганлиги сабабли у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Никоҳ билан боғлиқ асосий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Оила кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик иши тарафларининг махсус субъект ҳисобланиши, яъни никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик иши томонлари сифатида фақат қонуний никоҳдан ўтган эр ва хотиннинг иштирок этиши мумкинлиги;
- Никоҳдан ажратишнинг суд тартибида амалга оширишдан ташқари судсиз (маъмурий) тартибда, яъни ФҲДЁ органлари орқали ҳам амалга оширилиши;
- Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича давлат божининг бир неча гуруҳларга бўлиниши;
- Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволарга нисбатан даъвогарнинг танлаши бўйича судловлилик қоидаларининг татбиқ этилиши;
- Айрим ҳолатларда никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризани тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган эрнинг мазкур даъво ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг чекланиши;
- Қоида тариқасида никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризага никоҳ гувоҳномасининг асли илова қилиниши;
- Никоҳдан ажратиш ҳақидаги иш билан биргаликда бошқа (болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш, эр (хотин)нинг таъминоти учун алимент ундириш, бола(лар)ни ота-онадан кимнинг тарбиясида қолдириш, учинчи шахсларни жалб этиш зарурати мавжуд бўлмаган ҳолда умумий мол-мулкни бўлиш, никоҳни ҳақиқий эмас

деб топиш, никоҳ шартномасини қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги) талабларнинг ҳам кўриб чиқилиши мумкинлиги;

- Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўриб ҳал қилишда никоҳдан ажратишнинг асослари қонунда аниқ белгиланмаганлиги;

- Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бевосита оилавий муносабатлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли мазкур талабларга нисбатан даъво муддатининг жорий қилинмаслиги;

- Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво рад этилганда такрорий равишда судга мурожаат қилишга йўл қўйилиши.

Суд амалиётида никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишлари сиртдан қараганда жуда осонлик билан кўриб ҳал этиладиган фуқаролик ишлари бўлиб кўринсада, аслида ундай эмас. Чунки суд мазкур тоифа ишларни кўришда эр-хотиннинг ўзаро муносабатларини, никоҳдан ажратиш учун қўйилаётган асосларни, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг асл сабабларини ҳар томонлама текширишга мажбур бўлиб, суднинг қабул қиладиган қарори фақатгина эр-хотиннинг эмас, балки уларнинг биргаликдаги турмушларидан туғилган фарзандларнинг тақдири ҳамда улар ўртасидаги мулкий муносабатларга бевосита таъсир кўрсатади.

**2. Никоҳдан ажратишга оид ишларни судда ва судсиз тартибда ҳал этиш асослари.** Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг суд тартибида ва судсиз тартибда ҳам ҳал этилиши бўлиб, мазкур жараёнларни амалга ошириш муайян тартиб ва таомилларга асосланади.

Суд орқали ва судсиз тартибда никоҳдан ажратишда қуйидаги қонун ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқ нормалари ва суд амалиётига асосланилади:

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.

”Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида“ (Вазирлар

Маҳкамасининг 2016 йил 14ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган);

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлда қабул қилинган “Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори;

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар бўйича Минск конвенцияси (1993 йил 22 январда қабул қилинган).

Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига асосан никоҳдан ажратиш икки йўл билан амалга оширилади:

1) Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари орқали;

2) Суд орқали;

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари орқали никоҳдан ажратишнинг ўзи икки гуруҳга бўлинади:

1) Эр-хотиннинг ўзаро розилиги асосида уларнинг ҳар иккаласи берган ариза бўйича никоҳдан ажратиш;

2) Эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича никоҳдан ажратиш.

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади.

Бироқ никоҳдан ажратиш масаласи ФҲДЁ органлари ваколатига тааллуқли бўлган айрим ҳолларда ҳам у суд тартибида амалга оширилиши мумкин. Жумладан, агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза беришдан бош тортса ёки ФҲДЁ органига ариза бериш учун шахсан келиш имкониятига эга бўлмаса ёхуд ариза бериб, никоҳдан ажратишни қайд этиш учун ҳозир бўлмаса, бундай ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади. Мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги ФҲДЁ органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маълумотномалари ва бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли. (Оила кодексининг 42-моддаси)

Қуйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризасига кўра ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади:

- Агар эр-хотиндан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;
- Суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;
- Содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

**3. Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларни судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриб чиқишга оид суд амалиёти.** Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ариза судга тақдим қилинганда уни судда кўришга тайёрлаш ва кўриб чиқишдан олдин мазкур даъво аризанинг амалдаги қонун талабига риоя қилинган ҳолда тақдим этилганлиги ва даъво аризага тегишли ҳужжатларнинг илова қилинганлигини текшириш муҳим аҳамият касб этади, хусусан, даъво аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
- фарзандларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар нусхаси;
- даъвогар ва жавобгарнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
- давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

Мазкур илова қилинадиган ҳужжатлар барча никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар учун умумий характерга эга бўлиб, тарафлар ёки улардан бирининг никоҳдан ажратиш учун асос қилиб кўрсатаётган ҳолатларнинг мазмунидан келиб чиқиб даъво аризага бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин. Масалан, озодликдан маҳрум этилган

шахс билан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризага суднинг қонуний кучга кирган ҳукми нусхаси илова қилиниши керак.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда шуни инобатга олиш лозимки, Оила кодексининг 39-моддасига мувофиқ, эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга, гарчи у туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам тадбиқ этилади. Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, суд иш юритишни тугатади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш хотиннинг розилиги билан қўзғатилган бўлиб, ишни суд мажлисида кўриш вақтида у никоҳдан ажратишга қарши эътироз билдирган, шунингдек хотиннинг ҳомиладорлиги ва унинг никоҳдан ажратишга розилиги йўқлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам иш юритиш тугатилиши лозим. Оила кодексининг 39-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан қўзғатилишига тўсқинлик қилмайди.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, жавобгарнинг доимий яшаш жойидаги судга, Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, даъвогарнинг хоҳиши бўйича тақдим этилади. Хусусан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво:

жазо муддатидан қатъий назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан (агар иш суднинг судловига тааллуқли бўлса) - мазкур шахснинг судлангунга қадар охирги яшаш жойида;

яшаш жойи номаълум бўлган шахс билан - унинг маълум бўлган охирги яшаш жойида ёки унинг мол-мулки турган жойда, даъвогар вояга етмаган болалари борлиги ёки саломатлиги туфайли жавобгарнинг яшаш жойига

боришга қийналган ҳолларда эса, - даъвогарнинг яшаш жойида;

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган ёки мамлакатдан чиқиб кетган шахс билан - унинг мол-мулки турган жойда ёки Ўзбекистон Республикасида маълум бўлган охирги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Бир йил давомида яшаш жойи ҳақида маълумот бўлмаган шахсга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан мурожаат қилинганда, судья даъвогарга фуқарони бедарак йўқолган деб топиш тартибини тушунтиради (Фуқаролик кодексининг 33-моддаси).

Шу билан бирга, агар эр ёки хотиндан бири иккинчисини бедарак йўқолган деб топиш ҳақида ариза беришдан бош тортса, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас, суд эса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони умумий асосларда кўришга мажбур.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149 ва 150-моддалари талабларига жавоб бериши керак. Унда жумладан, никоҳ қачон ва қаерда расмийлаштирилганлиги, никоҳдан болалар бор-йўқлиги, уларнинг ёши, эр-хотин ўртасида уларни таъминоти ва тарбияси ҳақида келишувга эришилган-эришилмаганлиги, никоҳдан ажратиш сабаблари никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан бирга кўрилиши мумкин бўлган бошқа талаблар бор-йўқлиги кўрсатилади.

Никоҳдан ажралиш кишиларнинг шахсий ва ҳаётий иши бўлганлиги сабабли қонунда мазкур тоифа ишлар бўйича асослар аниқ белгиланмаган ва уни ҳал этиш вазифаси судларга юклатилган.

<u>Фуқаролик процессуал қонунида никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабларни судга қадар кўриб чиқиш тартиби белгиланмаганлиги сабабли, суд даъвогардан қонунда белгиланмаган ҳужжатларни, жумладан мазкур низо дастлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида кўрилганлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилишга ҳақли эмас</u>. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани қабул қилгач, судья ҳар бир иш бўйича уни Фуқаролик

процессуал кодексининг 16-бобида назарда тутилган тартибда судда кўришга тайёрлаши шарт.

Жумладан, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида, қоида тариқасида, иккинчи тарафни чақириши, унинг аризага нисбатан муносабатини аниқлаши керак. Шу мақсадларда судья тарафлар билан оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказади. Судья, шунингдек эр-хотин ўртасида никоҳдан ажратиш даъвоси билан бир вақтда ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа низолар бор-йўқлигини аниқлайди, тарафларга вояга етмаган болалари таъминоти учун буйруқ тартибида алимент ундириш ҳуқуқини тушунтиради, ишнинг кўрилиши учун аҳамиятга молик бошқа масалаларни аниқлайди.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаларни судда кўришга тайёрлаш муддати улар келиб тушган кундан эътиборан 10 кун бўлиб, мазкур муддатдан сўнг фуқаролик иши (ярашув учун белгиланган муддатни ҳисобга олмаганда) 1 ойлик муддат ичида кўриб чиқилиши керак.

Оила кодексининг 44-моддасига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда эр-хотин судга қуйидаги масалалар юзасидан келишув тақдим этишлари мумкин:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар улардан қайси бири билан яшаши тўғрисида;

вояга етмаган болалар ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида;

эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш тўғрисида.

Бундай келишув мавжуд бўлмаган ёки мазкур масалалар юзасидан эр-хотин ўртасида низо бўлган ҳолларда улар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб билан бир вақтда мазмунан кўриб чиқилади.

Суд амалиётида никоҳдан ажратиш иши билан биргаликда кўрилиши мумкин бўлмаган даъволар ҳам айнан битта даъво ариза орқали тақдим қилиниши ҳолатлари учрайди. Агар даъво аризасида никоҳдан ажратиш иши билан бир вақтда кўрилиши мумкин бўлмаган талаб қўйилган бўлса (масалан, никоҳ тузилгунга қадар топилган мол-мулкни олиб бериш, уйга киритиш ва

бошқалар), бундай даъво алоҳида иш юритишга ажратилади.

Никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт. Шу мақсадларда, суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозим.

Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, келмаслик сабаблари узрли ёки узрсизлигидан қатъий назар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради. Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, суд аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли. (ФПКнинг 174 ва 175-м.).

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, башарти даъвогар бунга қарши эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин (ФПКнинг 224-моддаси). Бундай ҳолда, фақат суд жавобгарни сўроқ қилмасдан туриб ҳам ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама ва тўлиқ текширилганлиги ҳақида хулосага келган тақдирдагина никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетган ва унинг суд мажлисига келиш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормаларига мувофиқ тарафларни хабардор қилиш чораларини кўради.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўриб чиқиш чоғида суд албатта оилани сақлаб қолиш чораларини кўриши лозим. Шу мақсадда суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги,

никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилганда, суд Оила кодексининг 40-м.га мувофиқ эр-хотинга ярашишлари учун олти ойгача муддат тайинлашга ҳақли. Ярашиш учун бериладиган муддатнинг уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотин ярашиши мақсадида олти ойлик муддат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин. Эр-хотинга ярашиши учун муддат берилиши муносабати билан ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими тарафларнинг тушунтиришлари тинглангандан сўнг, зарур ҳолларда эса, бошқа далиллар текширилганидан сўнг чиқарилади.

Суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, ярашиш учун берилган муддатни бунга жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муддат тугагунга қадар кўришга ҳақли. Ярашиш учун берилган муддатни қисқартириш тўғрисидаги масала суд мажлисида тарафларни хабардор қилган ҳолда ва ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади. Эр-хотин ярашиши учун ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади ва бундай ажрим келгусида ишнинг ҳаракатига тўсқинлик қилмаслиги сабабли, унинг устидан апелляция, кассация тартибида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас. (ФПКнинг 346 ва $348^{16}$-м.)

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилиб, эр-хотинга ярашиш учун муддат берилганда, суд ОКнинг 112-моддаси ва ФПКнинг 263-моддасига мувофиқ болалар таъминоти учун алимент ундириш масаласини муҳокама қилишга ҳақли.

**4. Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар бўйича давлат божи ундиришга оид суд амалиёти.** Никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича

ундириладиган давлат божининг ўзига хослиги шундаки, мазкур тоифа ишлар бўйича ундириладиган давлат божи қатъий давлат божи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрда қабул қилинган "Давлат божи ставкалари ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"га асосан судларда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқишда қуйидаги давлат божлари ундирилади:

- Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризалардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида; (Давлат божи ставкалари 1-бандининг "в" кичик банди)
- Такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризалардан энг кам ойлик иш ҳақининг 120 фоизи миқдорида; (Давлат божи ставкалари 1-бандининг "в" кичик банди)
- Бедарак йўқолганлиги ва руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибда қобилиятсиз деб топилган ёки камида уч йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида; (Давлат божи ставкалари 1-бандининг "г" кичик банди)
- Агар эр-хотин биринчи никоҳда бўлса, улар суд қарори асосида никоҳдан ажратилганда эр-хотиндан биридан ёки уларнинг иккаласидан энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизидан 300 фоизигача бўлган миқдорда; (Давлат божи ставкалари 5-бандининг "б" кичик банди)
- Агар эр-хотиндан бири такрорий никоҳда бўлса, улар суд қарори асосида никоҳдан ажратилганда эр-хотиндан биридан ёки уларнинг иккаласидан энг кам ойлик иш ҳақининг 300 фоизидан 400 фоизигача бўлган миқдорда; (Давлат божи ставкалари 5-бандининг "б" кичик банди).

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишларини шартли равишда 2 та гуруҳга бўлиш мумкин:

1) Никоҳдан ажратиш ҳақида судга даъво ариза топшириш чоғида тўланиши лозим бўлган давлат божи;

2) Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ариза қаноатлантирилиши натижасида никоҳдан ажралишни расмийлаштириш чоғида тўланиши лозим бўлган давлат божи;

Биринчи гуруҳга мансуб давлат божи барча никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича тўланади ёки ундирилади.

Иккинчи гуруҳга мансуб давлат божининг юзага келиши учун эса никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризанинг қаноатлантирилиши талаб этилади. Бунда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида эр-хотиннинг ҳар биридан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ёки улардан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида кўрсатма бўлиши керак. Давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади. Агар тарафларни никоҳдан ажратиш ҳақидаги суд қарорида давлат божи ундириш масаласи ҳал этилмаган бўлса, унда мазкур давлат божи ФҲДЁ органлари томонидан никоҳдан ажралишни расмийлаштириш чоғида давлат фойдасига ундирилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақида даъво ариза тақдим қилиш чоғида тўланиши лозим бўлган давлат божи тўлови ФПКнинг 111-моддасига асосан кечиктирилган тақдирда мазкур давлат божини давлат фойдасига ундириш масаласи даъво аризанинг у ёки бу тарзда ҳал этилишига боғлиқ. Агар даъвогарнинг даъво талаби рад этилса, кечиктирилган давлат божи даъвогардан давлат фойдасига ундирилади. Агар даъво қаноатлантириладиган бўлса кечиктирилган давлат божи жавобгардан давлат фойдасига ундирилади. Даъвогар томонидан тўланган давлат божи эса даъво қаноатлантирилиши натижасида ФПКнинг 116-моддасига асосан жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундирилиши лозим. Амалдаги қонунчиликка асосан суд қарорига нисбатан апелляция, кассация ёки назорат тартибида шикоят келтирилган тақдирда суд қарорида кўрсатилган ёки бўлмаса даъво аризани бериш чоғида тўланган давлат божининг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланиши

лозим. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 329-моддасининг 8-бандига асосан никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилинади.

**5. Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар бўйича қабул қилинадиган суд қарорлари, уларга қўйилган талаблар ҳамда мазкур суд қарорларини ижро қилишга оид суд амалиёти.** Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар бўйича қабул қилинадиган суд қарорлари, уларга қўйилган талаблар ҳамда мазкур суд қарорларини ижро қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг ФПК, Оила кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлда қабул қилинган **"Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли қарори** муҳим аҳамият касб этади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб, фақат эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим (Оила кодексининг 41-моддаси).

Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди. Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвони рад этади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво рад этилган тақдирда, мазкур даъво билан бирга берилган бошқа талаблар суд томонидан алоҳида иш юритишга ажратилиши лозим (ФПКнинг 157-моддаси).

Агар даъвогар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъводан воз кечса, ишнинг шу қисми иш юритишдан тугатилиши, эр

ёки хотиннинг мазкур даъво билан бирга берган бошқа талаблари эса, мазмунан кўрилиши лозим.

Никоҳдан ажратиш ишларининг ўзига хос жиҳати шундаки, айнан ўша тарафлар томонидан айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси суднинг иш юритувига бундай даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб, камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин. Бундай даъво янги асосларга кўра тақдим этилганда, такрорий даъво аризаси мазкур муддатга риоя қилинмасдан берилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги низони кўришда, судлар бундай низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилиш-қилмаслигини аниқлашлари лозим.

Агар низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилса (масалан, мол-мулк деҳқон (фермер) хўжалиги мулки бўлиб, унинг таркибида эр-хотин ва уларнинг вояга етмаган болаларидан ташқари бошқа аъзолар ҳам бўлса) суд тарафларга уларнинг умумий тартибда алоҳида даъво тақдим этиш ҳуқуқларини тушунтириши лозим, чунки қонун бундай ҳолларда никоҳдан ажратиш ва мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларни битта иш юритувда ҳал этишга йўл қўймайди.

1944 йил 8 июлга қадар никоҳни қайд этмасдан туриб оилавий муносабатларга киришган шахсларнинг мол-мулкига нисбатан эр-хотин ўртасидаги биргаликдаги мулк тартиби татбиқ этилади. Бундай мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низони ҳал этишда Оила кодексининг 23-28-моддаларида белгиланган қоидаларга риоя этиш лозим.

Оила кодекси 27-моддасининг тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкини бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (яъни, ФҲДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг

ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозим (Фуқаролик кодексининг 154-моддаси биринчи қисми).

Никоҳдан ажратиш ёки никоҳдан ажратишни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний, асосли бўлиши ҳамда суд мажлисида ҳар томонлама текширилган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд томонидан аниқланган эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик сабаблари, суднинг оилани сақлаб қолиш имконияти борлиги ёки унинг узил-кесил барҳам топганлиги тўғрисидаги хулосасига асос бўлган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилларни рад этиш учун асос бўлган важлар, шунингдек суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг **хулоса қисми** қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан биргаликда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суд хулосаларини;

фуқаролик ҳолатларини қайд этиш дафтарида никоҳдан ажратишни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган сана, далолатнома ёзувининг рақами, никоҳни қайд қилган органнинг номи);

эр-хотиннинг фамилиялари - никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ (никоҳга кириш вақтида фамилия ўзгартирилган бўлса - никоҳгача бўлган фамилия ҳам);

эр-хотиннинг ҳар биридан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ёки улардан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида кўрсатма (давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади);

мол-мулк қиймати - эр-хотиндан бирига мол-мулк асл ҳолида берилганда.

Никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли. Бироқ, унинг хоҳишига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда суд томонидан унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин. Агар мазкур масала суд томонидан қарор чиқариш пайтида ҳал қилинмаган бўлса, фамилияни ўзгартириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан никоҳдан ажралишни қайд этиш пайтида ҳал этилади (Оила кодексининг 220-моддаси).

Никоҳдан ажратишни рад этганда, шунингдек иш юритиш тугатилган барча ҳолларда, суд даъвогарнинг аризасига кўра унга никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 47-моддасига мувофиқ никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади.

Мазкур қоида никоҳ тугатилиши пайти қонунга кўра суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган пайтдан бошланиши тан олинган (1998 йил 30 апрелдан 2010 йил 15 сентябргача) даврга нисбатан тадбиқ этилмайди.

2010 йил 15 сентябргача бўлган даврда никоҳнинг тугатилишига суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асос ҳисобланарди. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги қонунига асосан никоҳ ФҲДЁ органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилиши белгиланди. Бироқ 2010 йил 15 сентябргача суд қарори асосида никоҳдан ажрашган ва никоҳдан ажралганликни расмийлаштирмаган шахсларнинг никоҳини тугатиш ишида муаммолар келиб чиққанлиги сабабли 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қўшма кўрсатма ишлаб чиқилди. Унга асосан 2010 йил 15 сентябргача никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарори

кучга кирган шахсларнинг никоҳлари суд тартибида, 2010 йил 15 сентябрдан кейин никоҳдан ажратиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган шахсларнинг никоҳлари ФҲДЁ органлари орқали тугатилиши белгиланди. Бу орқали мазкур туркумдаги ҳал қилув қарорларининг ижроси билан боғлиқ муаммога барҳам берилди.

**6. Никоҳдан ажратиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ ишларнинг бир-биридан фарқи.**Суд амалиётида никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар билан бир қаторда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги фуқаролик ишлари ҳам учраб туради. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво ўзининг хусусиятига кўра, мустақил даъво сифатида ҳам, асосий даъвога қарши даъво сифатида ҳам тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Оила кодексига асосан никоҳ қуйидаги ҳолларда суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилади:

- ушбу Кодекснинг 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда (никоҳ тузишнинг ихтиёрий равишда бўлмаганлиги, никоҳ тузиш ёшига риоя қилинмаганлиги ва никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги (рўйхатга олинган никоҳнинг мавжудлиги, никоҳланувчи шахсларнинг тўғри шажара бўйича яқин қариндошлар ҳисобланиши ва тарафлардан бирининг руҳий ҳолат сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги));
- сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда;
- никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса. (ОКнинг 49-моддаси)

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади. (ОКнинг 50-моддаси)

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун ушбу Кодексда белгиланган шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин уч юз кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришда шундай никоҳ тузилиши билан ҳуқуқи бузилган эр (хотин)ни (инсофли эр (хотин)ни) Оила Кодексининг 118 ва 119-моддаларига мувофиқ хотин ёки эридан таъминот олиш ҳуқуқига эга деб топишга ҳақлидир, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш вақтига қадар биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлишга нисбатан эса, ушбу Кодекс 23, 27 ва 28-моддаларида белгиланган қоидаларни татбиқ этишга, шунингдек никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий деб топишга ҳақлидир.

Инсофли эр(хотин) ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича талаб қилишга ҳақли. Инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтда танлаган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир. (ОКнинг 56-моддаси)

Амалдаги қонунчилик таҳлил қилинганда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ва никоҳдан ажратишнинг бир-

биридан **фарқли** жиҳатлари қуйидагилардан иборатлиги кўринади:

- Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади, никоҳдан ажратиш эса ФҲДЁ органи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин;
- Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари қонунда қатъий белгиланган, никоҳдан ажратишда эса асослар турлича бўлиши мумкин.
- Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган вақтда у тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланиб, мазкур ҳолатда эр-хотин учун ҳеч қандай шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар юзага келмайди ва улар ўртасидаги мулкий муносабатлар Фуқаролик кодексига биноан ҳал этилади, никоҳдан ажратилган вақтда эса эр-хотиннинг шахсий ва номулкий муносабатлари Оила кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво номулкий характерга эга бўлганлиги сабабли мазкур даъво аризалар билан судга мурожаат қилинганда амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасида кўрсатилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтириб талқин этишга йўл қўйилмайди.

Агар никоҳни тузиш вақтида шахс ўз ҳаракати моҳиятини тушунмаганлиги ва уларни идора қила олмаганлиги натижасида никоҳга киришга нисбатан ўзининг ҳақиқий розилигини бермаганлиги аниқланса, никоҳ Оила кодексининг 14-моддасида назарда тутилган шартлар бузилган деган асос билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Сохта никоҳ тузган шахслар иш суд томонидан кўрилгунга қадар амалда оила қурган бўлсалар, бундай никоҳ эр-хотин ҳуқуқларини қўриқлаш мақсадида сохта деб топилиши мумкин эмас.

Агар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво никоҳдан суд тартибида ажратилгандан сўнг берилган бўлса, судья даъво аризасини қабул қилишни у судда кўришга тегишли эмаслиги сабабли рад этади (ФПК 152-моддаси биринчи қисмининг 1-банди). Бундай даъво фақат никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ва никоҳдан ажратиш тўғрисидаги

далолатнома ёзуви белгиланган тартибда бекор қилинган ҳолда кўрилиши мумкин.

Агар никоҳдан ФҲДЁ органларида ажратилган бўлиб, кейинчалик никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини бекор қилиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаблар қўйилган бўлса, суд бу талабларни бир вақтнинг ўзида кўриши шарт.

Қисқа қилиб айтганда, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш шахснинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган институт ҳисобланади.

**7. Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ миллий қонунчилик нормаларининг Россия Федерация қонунчилиги билан қиёсий таҳлили.** Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар билан боғлиқ бўлган моддий ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимиз ҳамда Россия Федерациясининг қонунчилиги мисолида таҳлил қилинганида маълум бўлдики, никоҳнинг тугатилиш тартиби, эрнинг никоҳдан ажратиш ҳақида даъво қўзғатиш ҳуқуқининг чекланиш ҳолатлари, ФҲДЁ органлари орқали никоҳдан ажрашиш асослари ва тартиби, никоҳдан ажрашишни суд тартибида амалга ошириш чоғида ҳал этиладиган масалалар, никоҳнинг тугатилиш вақти ва никоҳнинг тикланиши билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар деярли бир хил мазмунга эгадир. Шунга қарамасдан айрим фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида сўз юритамиз.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасига кўра, суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўриш чоғида ишни кўришни кейинга қолдириб, тарафларга оилани тиклаш ва ярашиш учун олти ойгача муддат беради.

Россия Федерацияси Оила кодексининг 22-моддасига асосан суд ишни кўриш чоғида ишни кўришни кейинга қолдириб, тарафларга оилани сақлаб қолиши ва ярашиши учун уч ойгача муҳлат беради.

Миллий қонунчиликда мазкур муддатнинг олти ой қилиб белгиланганлик ҳолати мамлакатимиздаги никоҳ-оила қонунчилигининг, авваламбор, оилани сақлаб қолишга қаратилганлигидан далолат беради.

Россия Федерациясининг Оила кодексига асосан никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишида ҳар иккала тарафнинг никоҳдан ажрашишга розилиги мавжуд бўлган тақдирда суднинг никоҳдан ажратишнинг асоси ва мақсадини ойдинлаштирмасдан туриб даъвони қаноатлантириш ва тарафларни никоҳдан ажратиш ваколати мавжуд. (РФ Оила кодексининг 23-моддаси)

Миллий қонунчиликда эса ҳар иккала томоннинг розилиги бўлган тақдирда ҳам никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ҳар доим қаноатлантирилавермайди.

Россия Федерацияси Оила кодексида никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўриш муддати бир ой эканлиги бевосита моддий ҳуқуқ нормасининг ўзида белгиланган бўлса, (РФ Оила кодексиг 23-моддаси) бизда мазкур муддат процессуал қонун нормасида белгиланган. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 131-моддаси)

Миллий қонунчиликда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўриш чоғида тўйга сарфланган харажатларни ундириш ҳақидаги талаб қаноатлантирилмаслиги белгиланган. (ОК нинг 44-моддаси)

Россия Федерацияси қонунчилигида эса бундай норма мавжуд эмас. Миллий қонунчиликда ушбу норманинг киритилиши бизда тўйларнинг бевосита урф-одат ва анъана саналиши ҳамда қонунчиликнинг оила қураётган шахсларнинг зиммасига тўйлар учун сарф-харажатлар қилиш мажбуриятини юкламаганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Қиёсий таҳлил натижасида моддий ҳуқуқда белгиланган муддатлар билан боғлиқ жиҳатда ҳам фарқни кузатиш мумкин. Миллий қонунчиликка асосан суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарори нусхаси қарор кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида никоҳ қайд этилган ФҲДЁ органига юборилиги белгиланган бўлса, (ОКнинг 47-моддаси) Россия Федерацияси Оила қонунчилигида мазкур муддат ўн кунни ташкил этади. (РФ Оила кодексининг 25-моддаси)

Миллий қонунчиликни чет эл қонунчилиги билан қиёслаш ҳамда улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни таҳлил қилиш муайян хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

# ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик даврида оила ва оила аъзоларининг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди, хусусан, оилани ҳимоялаш, уни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасида алоҳида қонунлар ва давлат раҳбарининг фармонлари қабул қилинди, оила қонунчилиги такомиллаштирилди.

Оиланинг жамиятдаги мавқеи ошганлигини, келажак авлодни соғлом қилиб тарбиялашдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, эндиликда судларнинг оилавий муносабатларни мустаҳкамлашдаги, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва масъулиятини ошириш мақсадида кенг кўламли ҳамкорлик режалари, мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмокда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустақил суд тизимининг ўрни каттадир. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан, судлар мутақиллигини таъминлаш борасида ҳам жуда муҳим ислоҳотлар амалга оширилди ва бу ўз навбатида судларнинг қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятида муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида судьялар, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган шаслар ва захирада турган номзодлар касбий савиясини, суд фаолиятига хос кўникмаларини ошириш тизимини тубдан яхшилаш, уларда амалдаги қонун ҳужжатларига, ҳуқуқни қўллаш амалиётига, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятига доир чуқур билимларни шакллантиришни таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланди.

Суд амалиётида ҳозирги кунга келиб оилавий-ҳуқуқий низолар бўйича, жумладан, никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўриб ҳал этишда никоҳдан ажратишнинг судда ва судсиз тартибда ҳал этишнинг ҳуқуқий асослари мукаммал даражада яратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш фуқаролик ишлари бўйича судьядан алоҳида масъулият талаб қилади. Чунки суд чиқарган ҳал қилув қарори келтириб чиқарувчи ҳуқуқий оқибатлар нафақат муайян шахслар доирасининг ҳуқуқларига, балки бутун жамият манфаатларига у ёки бу маънода таъсир кўрсатади.

Суд амалиёти тахлилидан кўринишича, никоҳдан ажралиш кўрсаткичлари ошган ва ҳануз оилавий-ҳуқуқий низоларга нисбатан амалдаги қонун нормаларини қўллашда айрим хато ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Шунга кўра, хулоса қилиш мумкинки, оилавий-ҳуқуқий низоларнинг тўғри ҳал этилишини таъминлаш, суд хатоликларини олидини олиш, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида амалдаги моддий ҳуқуқ ва процессуал ҳуқуқ нормаларини ҳамда Олий суд Пленумининг қарорлари раҳбарий кўрсатмаларини тўғри қўллаш ва бу борада ягона суд амалиётини жорий этиш мақсадида малака ошириш маркази тингловчилари учун, биринчи галда фуқаролик ишлари бўйича судьяликка захирага олинган номзодлар гуруҳида алоҳида мавзу сифатида янада чуқурроқ ўрганилишини бугунги куннинг талаби ҳам тақозо этмоқда.

**Назорат саволлари:**

1. Никоҳни тугатишга оид ишларни таснифланг?
2. Никоҳдан ажратиш асосларини тушунтиринг?
3. Никоҳдан ажрашиш сабабларини кўрсатинг?
4. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятларини санаб ўтинг?
5. Никоҳни бекор қилиш асосларини тушунтиринг?

# Х У Л О С А

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятларини эътироф этиб шундай деган эди: "Оила-жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушунишимиз мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг қўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиши биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир[3].

Оила эркак ва аёлнинг никоҳдан ўтиб, бир ёстиққа бош қўйган кунидан бошланади. Унинг энг муҳим вазифаси наслни давом эттириш, шунингдек ота-боболарининг энг яхши анъана ва удумларини давом эттириш, турмушни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Оила жамиятнинг бошланғич ҳужайрасини ташкил этиб, унда аҳолини кўпайиши ва ёш авлодни тарбиялаш вазифалари бажарилади.

Мавзуни ўрганиш жараёнида никоҳдан ажратишга оид ишларни судда кўриш амалиёти жамият ва давлат ҳаётида қанчалик даражада аҳамиятга эга эканлиги таҳлил қилинди.

